



# Ishonch

**МОХИЯТ**  
**Бу юк**  
**давлатни**  
**фақат соғлом**  
**миллат,**  
**соғлом авлод-**  
**гина кура**  
**олади.**  
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Қашқадарё вилояти кенгашининг сессияси

Шу йил 30 ноябр куни Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Биз одатда юртимиз, Ўзбекистонимизни Оллоҳнинг назари тушган замин, деб атаймиз. Бунинг яққол мисоли сифатида Қашқадарё воҳасини кўриш ўринлидир, деб таъкидлади Юртбошимиз. Дарҳақиқат, Қашқадарё деганда, барчамиз гўзал ва бетакрор бир ўлкани, мана шу заминга меҳр ва садоқат билан яшаётган, меҳнат қилаётган бағрикенг, аъми қатъий инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз. Бу заминнинг ер ости ва ер усти бойликлари, ғалла ва пахта етиштириш бўйича республикамизда етакчи ўринда туриши, бугунги кунда юртимизда қазиб олинган табиий газнинг 88 фоизи, нефтнинг 93 фоизи айти шу вилоят ҳиссасига тўғри келиши шундай деб айтишга тўла асос беради.

Бу воҳада муҳасам бўлган улкан моддий ва маънавий бойликлар, иқтисодий ва интеллектуал салоҳият айниқса мустақиллик йилларида ёрқин намойён бўлиб, эл-юртимиз манфаати, Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилаётгани барчамизни қувонтиради. **Айни вақтда бу қадимий ва навқирон дивёрнинг энг катта бойлиги, ҳеч шубҳасиз, унинг ҳаёт синновларида товланган, бағрикенг, мард ва ориятли халқидир,** деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда Қашқадарёдаги бугунги аҳвол, мавжуд вазиятни инобатга олган ҳолда, депутатларни, вилоят жамоатчилигини нималар қониқтиради, нималарга эса салбий таъво беришимиз керак, деган саволлар асосида тегишли хулосалар чиқариб, фикр алмашиб олиш мақсадида мувофиқ экани алоҳида қайд этилди. Биринчи навбатда, Қашқадарё вилоятининг улкан салоҳиятини рўёбга чиқариш, ишни тўғри ташкил этиш, аввало, шу заминда яшаётган миллионлаб одамларни безовта қилаётган, ҳали-бери ечилмасдан келаётган муаммоларни

ечиш, бир сўз билан айтганда, вилоятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Эсингизда бўлса, сизлар билан шу йилнинг июнь ойида, яъни пахтачиликда ҳосил тақдирини ҳал бўладиган муҳим паллада учрашган эдик, деб ўз фикрини давом эттирди Юртбошимиз. Айтиш кераки, яқунланаётган 2011 йилда об-ҳавонинг гоят ноқулай келгани, қаттиқ қурғоқчилик ва сув тақчиллиги қишлоқ ҳўжалиги учун жиддий муаммолар тўғдирди. Аммо, фидойий деҳқон ва фермерларимизнинг кўп йиллик тажрибаси, омилкорлиги ва мардона меҳнати ҳисобидан вилоятда 400 минг тоннадан ортиқ пахта, 821 минг тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этилганини таъкидлаб ўтмоқчиман, деди Ислом Каримов.

Мажлисида бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Қашқадарё воҳасида ҳам кейинги йилларда вилоят ахлининг фидокорона меҳнати билан кўпгина ижобий ўзгаришлар амалга оширилаётгани ҳақида фикр юритилиб, кўйидаги мисолларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда вилоятда ялли ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Санотни ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва маҳсулот турларини кўпайтириш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда қабул қилинган, санот корхоналарини модернизация қилиш ва технология қайта жиҳозлаш дастури доирасида Қашқадарёда кейинги тўрт йил мобайнида ёқилги-энергетика, кимё, енгил ва озик-овқат санотни соҳаларида ўсиш жараёнлари кузатишмоқда. Шу даврда санот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ортиб, ўртача йиллик

ўсиш даражаси 6,7 фоизни ташкил этди.

Айни вақтда вилоят иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар салмоғи йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам эътиборлидир. Бу ҳақда гапирганда, Муборакнефгаз, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё, Кўкдумалоқ-газ, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Толлимаржон иссиқлик электр станцияси каби нафақат юртимизда, балки бутун минтақамизда ҳам энг йирик ҳисобланган санот корхоналарида амалга оширилган катта-катта инвестиция лойиҳаларини эслаб ўтиш зарур.

Вилоятда ҳозирги кунда нефть, газ ва конденсатдан кенг фойдаланиш билан бирга кимё маҳсулотлари, калийли ўғитлар ишлаб чиқариш каби янги тармоқлар ҳам жадал ривожланмоқда. Масалан, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг 275 миллион доллар қийматга эга бўлган биринчи навбати ишга туширилиб, бу замонавий корхонада илгари катта миқдорда валюта сарфлаб четдан олиб келинган, иқтисодиётимиз учун ниҳоятда зарур бўлган 200 минг тонналик маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Шунингдек, мазкур заводнинг иккинчи навбати қурилмоқда ва у фойдаланишга топширилганидан сўнг маҳсулот ҳажми 3 баробар ортиб, йилга 600 минг тонна ўғит ишлаб чиқаришга эришамиз.

Ҳозирги вақтда вилоятда 493 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиниб, мамлакат бўйича тайёрланадиган ҳамми пахтанинг деярли 13 фоизи, ғалланинг 14 фоизи айнан Қашқадарёда етиштирилмоқда. Вилоят чорвачилик ва боғдорчилик, паррандчилик каби соҳаларда ҳам катта имкониятларга эга.

(Давоми 2-бетда)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

#### Т.И.Жўраевни Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Туробжон Икромович Жўраев** Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин, шу муносабат билан Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2011 йил 30 ноябр

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

#### Н.Зайниевни Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

**Нуриддин Зайниев** Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2011 йил 30 ноябр

### Конституциямизнинг 19 йиллиги олдида



Касаба уюшмалари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддаси

## Бош қомус ва касаба уюшмалари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — халқимиз, жамиятимизнинг барча ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ва иродасини ўзида акс эттирувчи давлатнинг Асосий Қонуни. У давлат ва жамият қурилишини ўзида мустаҳкамловчи олий юридик кучга эга. Мамлакатимиз Конституцияси бевосита умумхалқ хоҳиш-иродасини ифода этувчи референдум йўли билан қабул қилинган бўлиб, давлатнинг асосий қонуни сифатида мажбурий характерга эга. У мамлакат қонуночилигининг бошланғич ҳамда таъсис этувчи манбаидир, барча қонунолар ўз асосини конституциядан толади ва унга зид бўлиши мумкин эмас. Кон-

ституциявий нормалар давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ҳамда мамлакатимиз ҳудудида бўлган чет эл фуқаролари учун мажбурий бўлиб, уларнинг фаолиятларини тартибга солишда асосий манба ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, конституция, бу олий сиёсий, императив ҳужжатдир. Мустақиллик йилларида жамият ва давлатимиз ҳаётини мунтазам равишда ислоҳ қилиш, фуқаролик жамияти қуриш ва демократлаштириш жараёнларида Асосий Қонунимиз мукиммаллашиб сайқал топиб бормоқда.

(Давоми 7-бетда)



Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг тўлиқ таъмирдан чиқарилган даволаш ва ташхис қўйиш корпуси фойдаланишга топширилди.

Суратларда: Марказнинг даволаш ва ташхис қўйиш корпуси; ҳамшира Феруза Тошпўлатова. Сарвар ўрмонов (ўза) олган суратлар



### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида республикада — бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан бошлаб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишининг яхлит ташкилий тузилмаси яратилди.

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий лаборатория, ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга 750 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда бюджет маблағлари йўналтирилди ва имтиёзли кредитлар ҳамда грантлар жалб қилинди. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасига қилинган харажатлар 3,6 баравар ўсди ва бу ялли ички маҳсулотга нисбатан қарийб 4,0 фоизни, мамлакатнинг Давлат бюджетига эса 15,7 фоиздан ортиқни ташкил қилаяпти.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 1990 йилдагига нисбатан ўртача умр кўриш 67 ёшдан 73 ёшгача ортди, оналар ҳамда гўдакларнинг ўлими тегишли равишда 3,1 ва 3,2 мартабага қисқарди. Аҳолининг, айниқса сил, гепатит, турли юқумли хасталиклар билан умумий касаланиш даражаси сезиларли равишда пасайди.

Шу билан бирга, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати, айниқса жойларда, туман ва вилоят тиббиёт бирлашмаларининг моддий-техника базаси ҳолати ўсиб бораётган замонавий талабларга ҳамон жавоб бермай келмоқда. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини бошқариш тизими тубдан такомиллаштирилишини тақозо этмоқда, уларда етакчи хорижий тиббиёт марказларининг тажрибасини, шунингдек, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришининг илғор шаклларини қўллаш, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш талаб қилинмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, республика соғлиқни сақлаш тизимида бошқариш ва меҳнатни ташкил этишининг илғор шакл ҳамда услубларини жорий этиш мақсадида:

1. 2012-2015 йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришининг асосий йўналишлари этиб куйидагилар белгилансин:

аҳолига, айниқса қишлоқ жойларда, юқори сифатли бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишида кенг имкониятлар яратилишини таъминлаш, фуқароларга касалликлар профилактикаси ва соғлиқни муҳофаза қилиш бўйича диагностика ҳамда амбулатория-профилактика муассасаларининг иш самарадорлигини тубдан ошириш; туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг мавжуд қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини оширган, замонавий ускуналар билан, шу жумладан уларни халқаро молия институтлари кредитлари ва грант маблағлари ҳисобидан жиҳозлаган ҳолда туман (шаҳар) даражасида тиббиёт муассасалари тармоғи ва ўринлар фондини мақбуллаштириш ҳамда таркибий қайта қуриш; замонавий, халқаро тажрибадан ўтказилган ташкилий ва молиявий менежмент усулларини татбиқ этиб республика ихтисослаштирилган

тиббиёт марказларини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш ва доимий равишда қайта жиҳозлаб бориш;

тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати самарадорлигини, улар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда энг янги ташхис ва даволаш ускуналари билан қайта жиҳозлаш, замонавий мобил тиббий ускуна ва алоқа воситалари билан бутланган махсус автотранспорт билан қўшимча жиҳозлаш;

она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш Миллий моделга мувофиқ оналар ва болалар соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, перинатал, скрининг марказлари, тўғруққа кўмаклашиш ҳамда педиатрия муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан муҳофаза қилишининг профилактик тадбирларини кучайтириш ҳамда ишончилигини ошириш, онкологик ва сил касаллигига қарши хизматлар муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, профилактика ишларининг, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни барвақт аниқлаш ва даволашнинг самарали тизимини шакллантириш;

замонавий ташхис ва даволаш ускуналарига, юқори малакали тиббиёт кадрларига эга хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва лицензия беришни янада такомиллаштириш, уларга нисбатан тасдиқланган даволаш стандартларига мувофиқ равишда аҳолига сифатли ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш талабларини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 июлдаги Р-3676-сонли фармойиши билан тузилган Комиссиянинг:

2012-2015 йилларда 1- ва 2-иловаларга мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш тизими стационар муассасалари тармоғи ва ўринлар фондини мақбуллаштириш тўғрисидаги;

2012-2014 йиллар мобайнида олис қишлоқ учун пунктларида қишлоқ аҳолиси учун бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланишни таъминлайдиган қўшимча 102 та қишлоқ врачлик пунктларини 3-иловага мувофиқ барпо этиш тўғрисидаги;

100 та туман тиббиёт бирлашмаларини 93 миллион АҚШ доллар миқдоридagi «Саломатлик-3» лойиҳасини Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга ошириш доирасида замонавий лаборатория, ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланадиган туман тиббиёт муассасаларининг ташхис, стационар ва кўмакчи бўлинмаларини бир ҳудудда ихчам жойлаштириш асосида модернизация қилиш тўғрисидаги;

КФВ банкнинг 27 миллион евро миқдоридagi имтиёзли кредитлари ва грант маблағлари ҳисобига жиҳозланадиган барча вилоятлар ва Нукус шаҳридаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларининг биноларини, шунингдек, умумий қиймати 13 миллион евро миқдорда жалб этиладиган имтиёзли кредитлар ва Германия ҳукуматининг грант маблағлари ҳисобига жиҳозланадиган катталар учун мўлжалланган 5 та тиббиёт марказларининг биноларини реконструкция қилиш ҳақидаги;

2012-2013 йилларда 4-иловага мувофиқ республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини босқичма-босқич акциялаштириш тўғрисидаги тақлиф қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда)



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чўқурлаштириш чора- тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ республика ихтисослаштирилган тиббий марказларини акциялаштириш қўйидаги шартларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади:

республика ихтисослаштирилган тиббий муассасалари акцияларининг 51 фоизини давлатда сақлаб қолган ҳолда, давлат улуши бўйича тегишли бўлган дивидендлари 2020 йилни ҳам ўз ичига олган даврда биринчи навбатда ихтисослаштирилган марказларни тўлиқ жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш учун замонвий тиббий ускуналарини харид қилишга йўналтириш;

акцияларнинг 49 фоизини ихтисослаштирилган марказларнинг меҳнат жамоаларига (улушни тасарруф қилиш ва тақсимлаш ҳуқуқисиз) фойдаланиш учун бериб, улар бўйича тегишли бўлган дивидендларни ихтисослаштирилган марказ фаолиятининг пировад молиявий натижаларида ҳодимларнинг меҳнат иштироки коэффициенти қараб қараларини раҳбарлар таркиби учун 10 фоизга) моддий рағбатлантиришга йўналтириш;

республика ихтисослаштирилган тиббий марказлари Кенгашларининг таркибига Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор тузилмаларнинг вакиллари киритган ҳолда уларнинг зиммасига марказлар фаолияти стратегиясини шакллантиришда фаол қатнашиш, Кенгаш томонидан тасдиқланадиган бизнес-режалар бажарилишини назорат қилиш, бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланилиши устидан мониторингнинг амалга ошириш вазифаларини юқари.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Молия вазирлиги билан келишилган вилоят ва туман бўйичаги 46 та соғлиқни сақлаш муассасаларини босқичма-босқич ўзини-ўзи тўла молиялаштиришга ўтказиш, шунингдек, 57 та тиббий муассасаларининг умумий харажатларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағлар салмоғини ошириш ҳақидаги тақлифлари 5- ва 6-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2012-2015 йилларда Таълим ва тиббий муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг маблағлари ҳисобига тиббий муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш дастурларини шакллантириш чоғида қишлоқ врачлик пунктларини, туман тиббий кўп марказлари ҳамда вилоят бўл тармоқли тиббий марказлари, шу жумладан болалар тиббий марказларининг биноларини реконструкция қилиш ва қуриш учун капитал маблағларнинг зарур лимитларини назарда тутсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

2012-2015 йилларга мўлжалланган дастурий чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаган ҳолда, республика ихтисослаштирилган тиббий марказларининг, кечиктириб бўлмайдиган ва шўшилчин тиббий ёрдам хизматлари, онкология хизматининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, силга қарши муассасаларини энг аввало, халқаро молия институтлари ҳамда донорларнинг грантлари ва имтиёзли кредит-

лари ҳисобига тўдан қайта жиҳозлаш бўйича молиялаштиришнинг аниқ манбалари ва уларни амалга ошириш муддатларини кўрсатиб ўтсин;

хусусий тиббий муассасаларига лицензиялар бериладиган тиббий фаолият ихтисослашув турларининг янгиланган рўйхатини, ундан одамларнинг, айниқса болаларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун юқори даражадаги хатар билан боғлиқ турларини чиқариб ташлаб, шунингдек, хусусий тиббий муассасалари учун лицензия талаблари ва шартларини ҳамда уларга риоя этилиши учун жавобгарлиқни қўйишга тўғрисида янги тахрирдаги низомни тасдиқласин.

2012 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан хусусий тиббий муассасаларининг лицензия талаблари ва шартларига риоя этишлари ҳусусида ўтказилган тегишли натижаларни назорат қилишчи идораларни фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши ва унинг худудий комиссиялари билан кўшимча равишда келишилган ҳолда амалга ошириладиган Назорат идораларининг назорат функциялари рўйхати-га киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Таъқиқ Иқтисодиёт алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан ҳамкорликда 2012 йилнинг 1 мартига қадар вилоятларнинг тиббий ташқи марказларини, республика ихтисослаштирилган тиббий марказларини, кечиктириб бўлмайдиган ва шўшилчин тиббий ёрдам хизматлари ва онкология хизмати ҳамда сил касалига қарши муассасаларини зарур асбоб-ускуна ва анжомлар билан жиҳозлаш учун халқаро молия ташкилотлари ҳамда донор мамлакатларнинг имтиёзли кредитлари ва грантларини жалб этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ тақлифларни киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2012-2015 йилларда туман тиббий бирлашмаларининг тармоғи ва ўринлар фондини мақбуллаштириш, шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш муассасалари умумий харажатларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағлар салмоғини бошқичма-босқич кўпайтириб бориш бўйича ушбу қарор билан тасдиқланган жадвалларга риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин, бўшайдиган маблағларни соғлиқни сақлаш муассасаларининг анжомлар, сарфланадиган материаллар, реактив ва дори-дармонлар билан таъминлалишини яхшилашга мақсадли йўналтирилишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чўқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» Фармонида берилган солик ва божхона имтиёзлари 2018 йилнинг 1 январигача узайтирилиши, божхона имтиёзлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан олиб келинадиган тиббий ускуналарига, бутловчи буюмларга, тиббий ускуналарининг эҳтиёт қисмлари ва сарфланадиган материалларига нисбатан жорий этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2011 йил 28 ноябр

## «Эзгу мақсадимиз — фарзандлар камоли...»

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Жумабек НУРОВ билан суҳбат

— Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимиздаги «Маърифат маркази»даги симпозиумлар саройида «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Нуфузли анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда тиббий хизматининг, айниқса, она ва бола саломатлигининг жаҳон андозалари даражасидаги ўзига хос миллий модели яратилганини таъкидлади. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг ҳам мамлакатимиз нури истиқболи бўлган она ва бола саломатлиги йўлида қилаётган хайри ишлари кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда. Суҳбатимизни жамғарманing мақсад ва вазифаларидан бошлашам.

— Ана шундай халқаро анжуманнинг мамлакатимизда ўтганида катта раъзи маъно бор. Симпозиумда ЖССТ, ЮНИСЕФ, ЮНФПА ҳамда бошқа халқаро ташкилот раҳбарлари ва вакиллари, шунингдек, киркдан ортик мамлакатлардан соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, машур олимлар, халқаро эксперт ва тахлилчилардан иборат 300 нафар мутахассиснинг иштирок этиши унинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини дарак беради. Форумда иштирок этган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен «Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш модели — дунёнинг кўпмак мамлакатлари учун намунадир» деди. Бундай эътироф ва эътибор бизни янада самарали меҳнат қилишга ундайди.

Жамғармамиз 1993 йил 23 апрелда Президентимиз Фармони билан мустақил жамоат ташкилоти сифатида ташкил этилган. Унинг мақсади жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялаш, соғлом фарзанд туғилиши ва тарбияланишида кўмаклашишдан иборат.

Жамият ва миллат келажигига дахлдор бундай юксак мақсадни амалга ошириш жамғарма зиммасига масъулиятли вазифа юклайди. Бу, жумладан:

— аҳоли генфондини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

— республиканимиз барча худудларида, айниқса, экологик мувозанат бузилган минтақаларда оналик ва болаликни муҳо-

фаза қилишнинг барқарор асосини яратишга қаратилган комплекс илмий, техник, ишлаб чиқариш, ташвиқот-профилактик ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш;

— ёш авлод соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган ва аҳолининг интеллектуал савиясини тўдан оширишни таъминловчи тадбирларни амалга ошириш;

— туғруқхоналар ва болалар муассасаларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, соҳадаги илгор ютуқларни тиббий ва умумтаълим муассасалари фаолиятига жорий қилиш, уларни замонвий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга кўмаклашиш;

— соғлом турмуш тарзи, барқарор авлодни тарбиялаш ва инсон яшаши учун қўлай муҳитни яратиш ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш ва бошқа вазифаларни ўз ичига олади.

— Жамғарма ўз зиммасидаги вазифаларини амалга оширишда қандай манбалардан фойдаланади?

— Жамғарманing республика бўйича бўлимларида 250 нафардан ортик шифокор, педагог ва ҳодимлар фаолият кўрсатади. Жамғарма ўз олдиға қўйган мақсадларни бажаришда тиббий, ижтимоий, тарбиявий ва инвестиция дастурларига таянади. Бу дастурлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани амалий фаолиятимизда самарасини бермоқда.

Жумладан, «Тиббий ижтимоий-патронаж» дастури тиббий ижтимоий марказнинг 15 та кўчма бригадаси ёрдамида амалга оширилади. Улар замонвий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «Амбуланс»лар ёрдамида фаолият олиб бормоқда. Хар бир бригада республиканимиз барча худудларида, жумладан, энг чека қишлоқ жойларда яшовчи кам таъминланган оилаларга амалий ёрдам бермоқда.

Ногиронликни, туғма касалликлар билан дунёга келувчи болаларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш бўйича «Она ва бола скрининг» дастурини амалга оширишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Финляндиянинг «Прибори Ой» ва «Бристол Майер Сквибб» компаниялари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

«Туғруқхоналар ва болалар муассасалари» моддий-техника асосини мустаҳкамлаш» дастури асосида туғруқхоналар, болалар диспансерлари, республиканимиз турли бурчакларидаги Реабилитация мар-

казларини дори-дармон ва тиббий ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида хорижий компаниялар грантлари жалб қилинмоқда. Жумладан, республика бўйича 18 та болалар ва туғруқ муассасалари 1,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги тахшис жиҳозлари ва махсус транспорт воситалари билан таъминланди.

Шунингдек, «Иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш», «Ешлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш», «Аҳолининг ижтимоий ҳимояға муҳтож тоифалари, болалар уйлари ва тиббий муассасаларига инсонларварлик ёрдами кўрсатиш», «Еш йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш», «Бемор болаларни соғломлаштириш» дастурлари бўйича ҳам қўллаб хайри ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон ОИТСга қарши кураш қўни муносабати билан қўллаб билим масканларида тадбирлар уюштирилмоқда. Шунингдек, Ногиронлар қўниға бағишлаб маърифий дастур ташкил этилиб, 4 та ногиронлар аравачаси ва 20 нафар кишиға совғасалом улашिलाди.

— Жамғарма томонидан бемор ва ногирон болалар хорижий давлатлардаги нуфузли клиникаларда соғломлаштирилган хабаримиз бор. Шу ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг «Фриденздорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ўртасида тузилган уч томонлама шартномаға асосан 2002 йилдан буён бемор болалар Германия клиникаларига даволанишга юборилади. Хар йили немис мутахассислари республикамизға ташриф буюриб, турли худудларда бемор болаларни тиббий қуриқдан ўтказишади. Қўриқ натижа-сида даволанишға муҳтож болалар танлаб олинади. Жумладан, 2011 йилда 400 нафарға яқин бемор болалар тиббий қуриқдан ўтказилиб, 16 нафари Германияға даволанишға юборилди. Иккинчи гуруҳ келгуси йил февралда бориш режалаштирилган. Узаро ҳамкорлик доирасида ўтган давр мобайнида 183 нафар бемор бола даволанишға жўнатилди.

— Жамғарма болаларда учрайдиган қандай касалликларни даволашда кўмаклашади?

— 2004 йилдан буён «Фриденздорф Интернейшнл» халқаро хайрия ташкилоти-нинг молиявий ёрдами билан юқори лаб

ва танғайида туғма нуқсонлари бўлган, кам таъминланган оилалар фарзандлари республикамиз клиникаларида операция қилинмоқда. Ўтган даврда 2600 нафардан ортик бола жамғарма кўмағидан баҳраманд бўлди.

Жамғарма саяё-ҳаракати билан уч йил-дири республикамиз клиникаларида буйин ва оёғида ортопедик нуқсон бўлган болаларни операция қилиш молиявий қўллаб-қувватланапти. Шунингдек, жорий йилда янги лойиҳа асосида тананинг қуйишдан кейинги ва туғма чандиқли контра-туралари бўлган бемор болаларни жар-роҳлик усулида соғломлаштириш йўлга қўйилди. Ушбу учинчи грант ҳам «Фриденздорф Интернейшнл» халқаро хайрия ташкилотининг молиявий ёрдами билан амалга оширилмоқда.

— Жамғарма яна қайси хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган?

— Жамғарма 2008 йилдан буён жанубий корейлик мутахассислар билан ҳамкорликда юрак туғма нуқсон бўлган болаларни Корея ва юртимиз клиникалари-да соғломлаштириш дастурини амалга оширапти. Ушбу дастур доирасида ўтган даврда 34 нафар бемор бола белуғ жар-роҳлик амалиёти билан соғломлаштирилди.

Жамғарма Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жанубий Кореянинг «Save the Children» ташкилоти билан ҳамкорликда жорий йилнинг шу чорағида хайрия йўли билан 50 дана ва бир йил мобайнида 200 дана оксигенаторлар келтириб, Тошкент тиббий педиатрия институтини клиникасида юрак туғма нуқсон бўлган болаларда жарроҳлик амалиёти ўтказишни режалаштирган.

— Демократизм, ўзбекистонлик шифокорлар ҳам бугун хорижда амалга оширилган жарроҳлик амалиёти-ларини ўзинида бажаришмоқда.

— Эътироф этиш лозимки, бугунги кунда юз ва жағ жарроҳлиги соҳасида шифокорларимиз европалик мутахассислардан қилишмаслигини амалда исботлашди.

Ишончим комилки, бундан кейин ҳам «Соғлом авлод учун» жамғармаси эзгулик элчиси, наҳот фариятиси мисол касал-манд болалар дарағида дармон улашиб, соғлом жамият барпо этишда улушини кўшавради.

«Ishonch» мухбири  
Амина ҚОДИРОВА суҳбатлашди

## Президент китобини ўрганамиз

Қашқадарь вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмасида мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини тақдимот маросими бўлиб ўтди.

## Эзгулик ва озодлик дарслиғи

Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши ва унинг қўи ташкилотлари етакчилари, Қарши тиббий коллежи талабалари иштирок этган анжуманда вилоят ҳокимлиги ижтимоий котибати бўлими мудири Абдурахим Эркаев сўзға чиқиб, мазкур китобда яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий ҳаёти ва раван баён этилганини таъкидлади. Халқимизға саодатли кунларни ҳаёда этган истиклол оsonлиқдаги қиратишларни, оғир ва тахликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислам Каримовнинг юртимизни чўқур инқироздан олиб чиқиши, уни қатъият ва матонат билан мустақиллик сари бошлаши ҳақида анжуман ахлиға атроғлича гапириб берди.

Ўз навбатида, Қашқадарь вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Эсон Ражабов ҳам мустақилликнинг буюк ва муқаддас нёъмат эканлигини эътироф этиб, ёшларни бугунги дорилмоом кунларни қадрлашга, Юртбошимизнинг ишончини оқлаш учун тиним-сиз ўқиб-ўрганишға чақирди.

Сўзға чиққанлар мазкур китоб халқимиз сиёсий тафаккурини янада бойитиб, мамлакат истиклол тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

Кеча ЎзКўФК Ўқув марказида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг ташаббуси билан Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби мазмун-моҳияти, аҳамияти ва соғлиқни сақлаш ҳодимлари касабаси уюшмалари олдидаги долзарб вазифалар мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Уни Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши раиси Бахтиёр Маҳмадалиев олиб борди.

Конференция очилишида сўзға чиққан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Нормамат Аллаёров ушбу китобнинг аҳамиятига тўхталиб, бугунги дорилмоом кунларға оsonлиқча этиб келинмагани, Фарғона, Бўка, Наманганда юз берган воқеалар ва Президентимиз Ислам Каримовнинг тинчликни сақлаб қилиш борасида олиб борган оқилона сиёсати ҳақида гапирди.

Шундан сўнг Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази директори муовини Феруза Раҳматуллаева мустақиллик арафасида соғлиқни сақлаш тизимидаги аҳоли ҳақида гапириб, жумладан, шундай деди:

— Ушунда мен Сирдарё вилотида ишлар эдим. Тўйиб оқват ёмагани учун тез-тез касалликча чалинган болалар, уларнинг ҳаста оналари ва шу тўфайли оналар ва болалар ўлимнинг юқорилиғи жуда чегарадан чиқиб кетган пайтда республика раҳбарининг қарори билан мактабларда ўқувчилар учун бепул нонунталар уюштирилди. Бу ҳақида китобда: «Бошлангич синфлардаги ўқувчиларға бепул иссиқ оқват, ҳомиладор бемор

Салим АБДУРАХМОНОВ,  
«Ishonch» мухбири

## Хуқуқини англаш эшонг ҳаётида кўпгина муаммолар ечимини топиш имконини беради. Айниқса, ҳодимлар хуқуқ ва манфаати ҳимоячи бўлиши касабаси уюшма фаоллари бу борда олдинги сафда юриши лозим.

Тошкент вилоти касабаси уюшма ташкилотлари фаолларининг хуқуқий масалаларға оид икки кунлик ўқув-семинари шу мақсадда ташкил этилди.

## Хуқуқий билим — самарали фаолият кафолати

Тадбир аввалида семинарнинг мақсад ва вазифалари ҳақида тушунча берилди. Таъкидлаш жоиз, касабаси уюшма ташкилотларининг фаолияти кейинги пайтда янада кучайди. Бундай шароитда хуқуқий билимға эга бўлиш жиддий аҳамият касб этади. Бу аёзолар манфаатини хар томонлама ҳимоя этишда ҳам хал қилувчи ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби мазмун-моҳияти ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги ислохотлар мавзусида сиёсий фанлар доктори, профессор М.Қирғизбоевнинг маърузаси, айниқса, кўпчиликка манзур бўлди. У Юртбошимиз асариде истиклол арафасидаги вазият, ўша даврдаёқ келажакни кўзлаб ташланган қадамлар, оғир, тахликали давларда мамлакатимиз раҳбарининг халқимизни ишонч билан олдинға бошлаши ҳақида таъкидлади. Шунингдек, юртимизда фуқаролик жамияти изчиллик билан барпо этилаётгани, айниқса, Президентимиз томонидан тақлиф этилган Концепция бу борда жууда улкан воқеа бўлганиға урғу берди.

«Ўзигини англа» психологик маркази раҳбари ўринбосари Г.Уткиваннинг фуқаролар муносабатларини қўриб чиқишда муомала психологиясининг усуллари тўғрисидаги чиқиши

ҳам тингловчиларда қизиқиш уйғотди. Негаки, умид билан келган хар бир мувожаат эғасига яхши муомалада бўлиш, уларнинг кўнглини орғитмай муаммосини хал этишға ҳаракаат қилиш касабаси уюшма ҳодимидан катта масъулият талаб этади.

Жамоа шартномаси — ижтимоий шерикликнинг асосий воситаси. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши меҳнатқарларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси И.Юнусовнинг ушбу мавзудаги маърузаси жамоа шартномаларини яна тақомиллаштириш ва амалиётида кенг татбиқ этишға бағишланди.

Шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК юридик бўлими мудири Х.Примкуловнинг касабаси уюшмасининг долзарб масалалари ҳақидаги чиқиши семинар иштирокчиларига, жумладан, касабаси уюшма ташкилотлари фаолиятининг қўнуғий асослари, хўжалик ва фуқаровий-хуқуқий шартномаларнинг бир-биридан фарқи, Меҳнат шартномасини тузиш ва унга ўзгарттириш киритиш тартиби тўғрисида кенг тасаввур берди.

— Фуқаровий-хуқуқий шартномада ҳодим муайян ишларни қилишган иш ҳақи овози-сида келишилган шартлар асосида бажаришни, иш бериувчи эса қилишган иш ҳақини тўлаш, қилишган иш шароитларини яратиб беришни

зиммасига олади. Хабарингиз бор, Меҳнат кодексининг 19-моддасиға бинаоан меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ҳодим жамоа аъзоси ҳисобланиб, ташкилотдаги ўзғаришлар, қабул қилинаётган ҳужжатлар унга таъсир этади. Фуқаровий-хуқуқий шартнома асосида ишлаётган ҳодим эса бундай имтиёزلарға эга эмас. У ташкилот тартиб-қондаларига бўйсинмаслиги ҳам мумкин, — дейди Х.Примкулов.

Айниқса, иш бериувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳамда иш бериувчи мувожаатига асосан меҳнат шартномасининг бекор қилинишиға розилик берилишини қўриб чиқиш тартиби кўпчилик эътиборини тортиди.

Мавзулар юзасида тест-викторина синаовлари ҳам қизғин кечди. Ундаги савол-жавоблар кенг муҳокама этилиб, тўғри ёки нотўғри жавоблар ҳаётий далиллар асосида исботланди. Мунозараға сабаб бўладиган жиҳатлари ойдинлаштирилди. Дарвоқе, бир-бирларға кенгаши томонидан тайёрланган «Касабаси уюшмалари идоралари томонидан меҳнат муносабатларини бошқариш амалиётида қўлланиладиган айрим меъёрий ҳужжатлар» тўплами ҳам семинар иштирокчиларининг келгусидаги фаолиятида кўмакдош бўлиши шўбасиз.

Акмал ТОШЕВ,  
«Ishonch» мухбири



Тадбир

# «Инсонга нафр келтириш»

Ўзбекистон Миллий университетида шартнома асосида ўқирдим. Қорин тўйиб-тўймай юрар, уйдагиларни шундоқ ҳам ташвишга қўяётганим учун отамдан пул сўрашга уялардим. Бирон жойда ишлай десам, дарсларни ўзлаштириш масаласи бор. Бир куни ётоқхонага келсам, ҳамхонам қандайдир мухрлари бор қозғ узатди. Ажабланганимни кўриб, бу талабалар касабаси уюшмаси томонидан берилган талон эканини айтди. Кечки пайт шундоққина талабалар турар жойининг орқасида жойлашган ошхонада завқ билан мазаги таом тановул қиларканмиз, курсдошим елкамга туртиб, бир мўйловли кишини кўрсатди:

## Ташаббускор

— Ана шу киши-да, бу ишларни ташкил этган.

— Исми нима, қаерда, ким бўлиб ишлади? — астойдил қизиқдим.

— Шерзод Жўраев, университет талабалар касабаси уюшмаси раиси. Жуда ташаббускор, очикқўнғил одам.

Етоққа қайтар эканмиз, дўстим Нодир ҳаяжон билан хикоя қиларди:

«Факултет касабаси бўлган, талабалар касабаси уюшмаси ташаббус кўрсатаётган ҳар бир жараёнда иштирок этаяпман. Кам таъминланган, ота-онасиз, ноғирон, аълочи ва ташаббускор талабаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, устам стипендияларга тавсия қилиш, талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида касабаси уюшманинг кўмаги кубоги учун турли мусобақалар ташкил этиш, айтиш пайтида, «Уз уйингни ўзинг асра» шiori остида ташкил этилган «Посбонлар» гуруҳи сафида бўлиш — буларнинг бари ҳаётимга ранг-баранглик олиб кирди. Шерзод акадан доимо хайрли ишлар пайида бўлишни ўргандим. Ҳали сизни ҳам таништириб қўяман.»

Аммо танишув бироз чўзилди. Чунки бу одам доимо нима иш биландир банд бўлар, бир қарасанг, стадионда мусобақа голибларига рағбатлантирувчи соғалар улашаётган, олдига кирмоқчи бўлсанг, вилотдан келган талабаларга поезд ва автобусларнинг имтиёзли чипталарини тарқатаётган, хуллас, фурсат йўқ эди. Тўриси, ташкилот ҳақида аниқ тасаввурга эга эмасдим. Шерзод ака ва у орқали касабаси уюшма фаолияти билан энди таниша бошлаганимда бошқа жойга, аммо шу тармоққа ишга ўтиб кетди. Орадан йиллар ўтиб, қўлга диплом олганимда Шерзод ака билан яна юзма-юз келдик...

Анджоннинг Хўжабод туманида воёга етган қахрамонимиз 1990 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) талабаси бўлди. Меҳнат фаолиятини

университет талабалар касабаси уюшмасидан бошлади. Қарийб беш йил мобайнида талабалар билан ишлашда анча-мунча тажриба орттиргач, уч йил таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитасида ташкилий бўлимни бошқарди. 2002-2006 йиллари кадрдон жамоаси — университет талабалар касабаси уюшмаси раислигида, тагин уч йил таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашида турли лавозимларда ишлади. 2007 йилнинг март ойида Украинанинг Киев шаҳрида бўлиб ўтган «Ёшлар учун муносиб меҳнат» халқаро семинарида иштирок этиб келди. 2009 йилдан бошлаб ҳозирга қадар — Ўзбекистон Фанлар академияси билан касабаси уюшма кўмитаси раиси вазифасида фаолият юритиб келаётди. Шерзод Жўраев уч йил муқаддам «Халқ таълими аълочиси» кўрак нахони, жорий йилда «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги 20 йил» эсдалик нишони билан тақдирланди.

— Мустақиллигимизнинг илк кунларини энг йирик илмий мусасаса — Ўзбекистон Фанлар академиясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Ш.Жўраев. — Президентимизнинг илм-фанни ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари, ҳукуматимизнинг тегшли қарорлари бунинг яққол далилидир. Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун имзоланган Бош қелишувдан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда академия билан касабаси уюшма кўмитаси ҳам ўзига қатор чораларни белгилаб олган.

Соҳа ходимлари, айниқса, илмга чанқок ёшларни рағбатлантириш касабаси уюшмасининг асосий вазифаларидан биридир. Бу борада Фанлар академиясида ташкил этилган «Ёш олимлар кенгаши» ФА Ҳайъати ҳамда Бирлашган касабаси уюшма кўмитаси ҳамкорликда ёш олимларнинг илмий изланиш, инновацион лойиҳалари

ва тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бирлашган касабаси уюшма кўмитаси ва маъмурият ҳамкорлигида Республика илмий-амалий конференцияларини ташкил этиш аънағана айланган. Натижаларга кўра, «Энг яхши илмий мақола», «Энг яхши инновацион гоя», «Йилнинг энг яхши иxtирочиси», «Энг ёш иxtирочи олим», «Энг яхши илмий раҳбар» каби ўнлаб номинациялар бўйича голиб ва совриндорлар аниқланиб, касабаси уюшма ташкилотлари томонидан рағбатлантирилмоқда. Мазкур тадбирлардан кўзланган мақсад ёш олимлар томонидан яратилган иxtиро ва қўлланмалар, инновацион гояларни кичик бизнес соҳаларига йўналтириш ҳамда энг яхши деб эътироф этилган лойиҳа эгалари бўлган ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, янгиларни яратиб сари янада руҳлантиришдир.

Маъмурият билан келишувга кам таъминланган аспирантлар учун турар жойга тўланадиган маблағни институтлар ҳисобидан қоплаш бўйича қўшимча бандлар киритилди. Хар йили Мустақиллик ҳақида Конституция байрамлари арафасида спортнинг 6 тури бўйича «Академида», икки йилда бир марта «Академкросс» мусобақалари ўтказилади. Шунингдек, Фанлар академияси Илмий тадқиқот институтларида юқори касабаси уюшма ташкилотлари билан доимий равишда ўқув-семинарлар ташкил қилиниб, қуйи касабаси уюшма ташкилотларига амалий ёрдам бериб келинмоқда.

Барча касабаси уюшма аъзоларининг оилавий шароити ўрганилиб, ҳимояга муҳтожларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Имзоланган жамоа шартномалари орқали муассасалар ва касабаси уюшмалари маблағлари ҳисобидан 2213 нафар кам таъминланган ёш оила вакиллари, аспирантларга 7989 минг, жумладан, касабаси уюшма ҳисобидан 4735 минг сўм, фарзанди 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 74 нафар онага 2747 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртларида тахсил



олаётган 8 нафар талаба шартнома пулининг бир қисми тўлаб берилди. 27 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари дам олдирилди. Икки йилдан кўзланган мақсад ёш олимлардан 45 нафарига Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида жойлашган «Лочин» болалар оромгоҳига ҳомийлар маблағи ҳисобида йўланма олиб бериш ишлари амалга оширилмоқда.

Йил бошида Академия маъмурияти, Республика Патент идораси, Фан-технология давлат кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган йилгиликда ҳам олимлар илмий тадқиқот натижаларининг иқтисодиёт тармоқларига жорий этилишини таъминлашга уларга қулай шарт-шароит яратиб бериш, айниқса, олимлар интеллектуал салоҳиятини қўллаб қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, «Устоз-шогирд» тизимини янада ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган.

Ш.Жўраев «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида саноатни ривожлантиришнинг минтақавий муаммолари» мавзусида профессор А.Қаюмов раҳбарлигида иқтисод фанлари номзодлиги учун ёзган илмий ишнинг ҳимоя қилиш арафасида. Тадқиқот мавзусининг долзарблиги шундаки, иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришда саноат муҳим ўрин тутди. Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи мазкур тармоқ, айниқса, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида катта аҳамият касб этади. Зеро, республикада ижтимоий-иқтисодий ва минтақавий масалаларни ҳал қилиш жараёнида саноатни ривожлантириш, унинг ҳудудий ва тармоқ таркибини такомиллаштиришга

эътибор қаратилмаётган.

— Шу йилнинг баҳорида Тошкент шаҳар касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳомийлигида Ўзбекистон Фанлар академияси билан касабаси уюшма кўмитаси томонидан ходимларнинг қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди, — дейди ЎзФА Тил ва адабиёт институти кичик илмий ходими Ёркинжон Ҳайдаров. — Бирлашган кўмита раиси Шерзод ака бошчилигида 100 дан ортиқ саёҳатчи тоғда йўлга отланар эканмиз, кўнглимиз ўзгача сурур бор эди. Зибрат буюк аллома, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийнинг ёдгорлик мажмуидан бошланиб, Гўри Амир мақбараси, Регистон майдони, Шохизинда асори-атиқалари, Улугбек расадхонаси ва Самарқанд бозорида ниҳояси-га етди. Ушбу мазмунли саёҳатни ташкил этган Ш.Жўраевдан биз ёш олимлар ҳаётини миннатдоримиз.

Ўтган йилдан буён академия ходимларини арзон қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш йўлга қўйилган. Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили муносабати билан Сув муаммолари институти дала тажриба ер майдонида етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ходимларга имтиёзли нархларда берилмоқда.

Шундай ташаббускор ва ўқтам етакчи бор экан, ЎзФА билан касабаси уюшма кўмитаси ходимлар, айниқса, ёш олимларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш борасида доимо илгорлар сафида бўлиши шўбҳасиз.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**  
«Ishonch» муҳбири

Йигирма беш ёшида Тошкент махсус миллия мактабин татомлаган Шухратжон ўзи туғилиб ўсган Жиззах шаҳрига қайтиб, ички ишлар бўлимида иш бошлади. 1983 йилгача эл осойишталиги йўлида хизмат қилди. Тақдир экан, хизмат даврида ноғирон бўлиб қолди. У бу аччиқ қисматга метиндек иродасини қарши қўйиб, фаолиятини меҳнат ҳуқуқи тизимида давом эттирди.

## Адолатга йўғрилган умр

Вилот агросаноат бирлашмасида ҳуқуқшунослик вазифаси Шухратга катта обрў-эътибор келтирди. Вилотдаги энг йирик тармоқда етти йил ишлади. Шу муддатда билим ва тахрибаси янада бойиди. Қишлоқ ҳўжалиги корхоналари тизимида ишловчи ходимларнинг меҳнат интизоми, меҳнат муҳофазаси, ишга кириш, бошқа ишга ўтиш, ишдан бўшатиш, иш ва дам олиш вақтини, иш ҳақини белгилаш, меҳнат низоларини кўриш каби долзарб ҳуқуқий муносабатлар яхшиланишига ҳисса қўшди.

Адолатпарварлиги билан эътибор қозонган Ш.Тожибоевни бундан йигирма бир йил муқаддам вилот касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига ишга таклиф этилди. Шундан буён кенгашнинг ҳуқуқий бўлимида ишлаб келмоқда.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муносабатларини ташкил этиш, меҳнат шартномаси, ишга қабул қилиш, меҳнат муносабатларини бекор қилиш сингари масалалар сезиларли такомиллашди.

Касабаси уюшмалари тизимида ходимни суд орқали ҳимоя қилишга эҳтиёж ортмоқда. Судларга даъво аризалари киритилиб, ўндан ортиқ иш кўзгатилди ва даъвогарлар фойдасига ҳал этилди. Мингдан зиёд шикоят ва аризалар жойида ўрганилиб, ходимларнинг қонуний ҳуқуқи тикланди.

Ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат жамоаларида қонуничликка риоя этилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш, ҳуқуқий тарғибот олиб бориш касабаси уюшмаларининг доимий эътиборида. Жамоатчилик қабулхонаси мунтазам ишлаб турибди. Вилот тармоқ касабаси уюшмаларида, уларнинг шаҳар, туман бўлимида қатъий иш режаси асосида меҳнат қонуничлиги бўйича семинар-тренинглари, ўқув машғулотлари ўтказиб келинади.

Қонуний хурмат қилган одам, аввало, ўзлигини таниган бўлади, — дейди Ш.Тожибоев. — Хар биримиз бурчимизни ҳис этиб, бошқалар манфаатини эсдан чиқармасак, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшган бўламиз.

Устозлари ҳақида гап кетганда Абдурауф Сангилов, Исрол Хушиев, Ўзбек Мамадазизов сингари касабаси уюшма фидоиларининг номини фахр билан тилга олади. Шогирдлари ҳам жуда кўп. «Ағробанк» вилот бошқармаси ҳуқуқшуноси Шухур Каримов, вилот экология ташкилоти ҳуқуқшуноси Ғайрат Юсупов, Ёркинжон, Абдурауф, Ҳосилбек... Яна ўнлаб ҳуқуқшунослар муносиб шогирд саналади.

«Хайратланиш учун бир дақиқа вақт кифоя, бироқ хайратомуз нарса яратиб учун қанчадан-қанча йиллар керак», деб ёзган эди бир файласуф. Шухрат ака ҳам ўзининг самарали фаолиятида юзлаб меҳнат кишининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялашдек олжаноб ишларни амалга оширди. Мухими, инсонларга нафи тегмоқда.

**Қутлубек ТҲҲИЕВ,**  
Жиззах политехника институти талабаси

# Эъзозланг, эъзоз топасиз

Замира опа Ибрагимова билан суҳбатлашсангиз, тавсифини топишга қийналганингиз «ўша нимадир» сизни тортаверади. «Суҳбатимиз тугамасая, яна озгина гаплашсам», деган истак ўтади кўнглингиздан. Ёшига хос босиқлик, гап-сўзларидаги маъни ҳавасингизни келтиради. «Улғайгач, ҳамма ҳам шундай бўлади-да», дерсиз. Узр, аммо эътирозимиз бор: **ахир саксонда ҳам бошига ақл битмаганлар қанча?**

Замира опанинг хислатларида муҳассам меҳрга ташналиқни Наманган насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасидагилар опа нафақага чиққан илк кунлардаёқ тушуниб етишди. Ишга чакиртириб олайлик, дейишса, эндигина тантаналар остида «меҳнатларингиз ҳузурини кўринг» қабилдаги тилаклар билан кузатишган. Чақирмайллик дейишса, опанинг меҳрини, ўрнини кўмсаш истиқолларини-да четга сурмоққа шай. Хуллас, ўша гап тилларга кўнди: «Опа, қайтинг, ўрингиз жуда билинган...»

Замира Ибрагимова Наманган насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасида 1983 йилдан бери фаолият юритади. Бу орқалининг 23 йили эса касабаси уюшмалари билан бевосита боғлиқ. Меҳнат-кашларни ҳимоялаш, уларнинг талаб-истакларини ифодалаш бу йиллар ичида қон-қонига сингиб кетди. Энг муҳими, касабаси уюшмасининг фидоий етакчиси сифатида жамоадагина эмас, агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси тармоғида обрў топди. Айтганининг тагида еттидан, ҳақ бўлса

ҳар ерда устун келадиган опанинг шиддатига кўпчилик тан беради. Маъмурият билан ўзаро ҳамфикрликнинг, қонун талабларига кўра иш туттишда аҳиликнинг асоси ҳам касабаси уюшманинг шу тарихи мисқоллаб қилинган обрўсида муҳассамлашган.

— 11 та туман ва бўлимларимизда 2753 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади, — дейди Наманган насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси касабаси уюшма кўмитаси раиси З.Ибрагимова. — Улардан 104 нафари аёллардир.

— Хар бир соҳада бўлгани каби, мазкур тармоқнинг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор. Хусусан, жорий йилнинг баҳор, ёз фаслларида сув танқислиги муаммоси юзага келди... — Дарҳақиқат, табиатнинг инжикликлари насосчиларнинг матонатини шундай йўллар билан синиб туради. Илгари уларнинг иши сув чиқариб беришдангина иборат бўлган. Энди эса чиқарилган сувнинг далаларга тақсимоти, етиш-етмаслиги масаласи билан ҳам шуғулланишмоқда. Олдин насос

қурилмасида бир навбатда 24 соат мобайнида 3 киши ишлаган бўлса, ҳозир бир киши техника олдиди, икки киши эса пайкал оралаб юришади ва махсус дафтарага сув юзасидан маълумотларни киритиб боришади. Бу фермерлар билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорликка ижобий таъсир этади, давлат маблағининг беҳуда сарфланиши олдини олади.

Шунингдек, бир неча йиллар аввал кузда ерга уруғ қадалмас, табиийки, насос станциялари фаолияти ҳам чекланарди. Ҳозир деҳқончилик агротехникаси такомиллашиб, муҳандис ва энергетикларимиз ҳам қиш-ёз бирдай меҳнат қилишмоқда.

— Ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиш корхонада меҳнат муҳофазасининг изчил йўлга қўйилгани билан ҳам боғлиқ. — Амалдаги жамоа шартномасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, мазкур йўналишга ҳар йили маблағ ажратилади. Ишчиларга махсус кийим-бош, этик, қўлқоп, совун, кир ювиш қукуни каби воситалар тарқатила-

ди. Шунингдек, 55 нафар ходимимиз зарарли шароитда ишлаётганлигини инобатга олишга тўғри келади. Янги тартиб-қоидаларга кўра, бундай иш ўринлари аттестациядан ўтиши керак. Айни кунларда шаҳодатлаш масаласини ҳал этмоқдамиз. Натижаларга асосан, сўт-қатик маҳсулотлари тарқатиш йўлга қўйилади.

— Хар байрамда маъмурият томонидан муқофот пуллари бериларкан. Касабаси уюшмаси қувончи кунларда ходимларни қандай хурсанд этмоқда? — Касабаси уюшма маблағи ҳисобидан байрам дастурхони ёзилиб, фахрийларимизни бир пиёла чойга таклиф этамиз. Уларнинг хонадонларига соғва-саломлар билан зиёфатга борамиз. Бу билан ҳам кексаларнинг кўнглини олишга, ҳам ёшлар юрагига мурувват туйғусини шакллантиришга эришаётимиз. Яқинда — Курбон ҳайти муносабати билан 40 нафар фахрий йўқланди. Ҳозир 20 нафар ходимни Самарқанд шаҳрига саёҳатга юбориш ҳаракатидамыз. Ёз мавсумида ишчиларимизнинг вилотимиздаги сўлим гўшаларда дам олишига кўмаклашамиз. Болаларни соғломлаштириш ҳам яхши йўлга қўйилган.

«Анорчилик тажриба участкаси» деб юритилувчи ёрдамчи ҳўжалигимизда турли мева-чевалар етиштирилади, қўй, мол боқилади. Хар йилги ҳосил ишчиларга бепул тарқатилишига эришяпмиз. Анор, ўрик, олхўри, хурмо, узум, шафтоли каби неъматлардан ходимлар ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

Бу йил ички имкониятлардан келиб чиқиб, лимонарий қурдик. Ундан топилаган даромад ишчилар манфаати йўлида сарфланади.

Замира опанинг саъй-ҳаракати билан насос станцияси ходимлари учун хизмат қилувчи ошхона ташкил қилинди. Бу ишлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Ҳужжатлаштириллар, ошхона жиҳозлари учун югур-югурларнинг бошида касабаси раиси турди.

— Ошхона олдин ҳам фаолият юритган эди. Айрим муаммолар сабаб тўхтаб қолди. Сўнгги уч ой мобайнида маъмурият билан келишган ҳолда тенг миқдорда маблағ ўртга ташланди ва бино таъмирланди. Жиҳозлар, идишлар касабаси уюшма ҳисобидан қопланмоқда, — дейди опа бу ҳақда. — Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳўжалиқларимиздан келтирилиши ҳисобига овқат таннархи арзонлашди.

Жамоадаги маънавий муҳитга ҳавас қилса арзийди. Бунга эришиш учун нималарга эътибор қаратилмоқда?

— Самимий муносабат бўлган жойда ишонч, интилувчанлик ҳукм суради. Шунингдек, бадий ва ҳуқуқий адабиётлар билан танишиш, вақтли матбуот нашрлари, дунё янгилликларидан бохабар бўлишларига эришмоқдамиз. 2010 йил ноябрда маъмурият биноси

тўлиқ таъмирдан чиқарилган эди. Қўмитамиз хонаси қаршисида клуб учун жой ажратилди. Ўзаро йилги-шимизни шу ерда ўтказяпмиз. Турли нашрларга обуна бўлганмиз. Газеталар ҳам шу ерда тахталарга тўпланди. Ходимларимиз бўш пайтда кириб бемалол ўқишлари мумкин.

Бошқармада автомобилчилар, қурувчилар, энергетиклар хизмат қилишади. Бу дегани бир йилда уч хил касб байрами нишонланади. Шундай қувончли кунда ҳам байрам дастурхони ёзишдан ташқари, ишчиларни моддий-маънавий рағбатлантиришни йўлга қўйганмиз.

Узоқ йиллар давлат ва жамяят манфаатларини ифода этиб, улуг ўшга етган ҳамкасбларимизнинг нафақага кузатиш маросими жамоада ҳақиқий байрамга айланади. Уларнинг дуосини олиш ҳам бир бахт, аслида.

Наманган насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасида кечган мароқли суҳбатдан сўнг опа билан хайрлашиб, ташқарига отланамиз. Бир неча киши эшик ортда касабаси раисини қутиб турган экан. Кимдир маслаҳат, бошқаси юмуш билан келибди. Демак, З.Ибрагимова ўнлаб бу кун ҳам савобдан айир тушмайди. «Савоб ишни ҳар ким қилиш керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» ақидаси билан яшаётганларни яратган шундай марҳамати билан сийлаверайди.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**  
«Ishonch» муҳбири

олий бахт» танловига

Рауф Рустамов тушиқдан сўнг фаолларни хонасига таклиф этди. Кун тартибига қўйилган бу галги вазифа тамоман янгича ва долзарб эди...



«Файз»нинг фидойиси

Йигилиш якунида Мурожаатдаги «Барчамиз биргалликда ўз томонидан унумли фойдаланиб, оиламиз, туман, шаҳар, вилоят ва республикамиз аҳолиси дастурхонини ноз-неъматлар билан тўлдириб, маъмурчилик ва тўқин-социални таъминлашга муносиб ҳисса қўша...

фидойиси у. — Рауф Рустамов етакчилик қилаётган «Файз» фермер хўжалигининг бошланғич касаб-ушма кўмитаси вилоятдаги таянч-намунали ташкилотлардан, — дейди агросаноат мажмуи ходимлари касаб-ушмаси вилоят кенгаши раиси Абдусалом Раҳмонов. — Ҳар йили барча ходимлар иш қийинлари билан бепул таъминланади. Уларнинг ўн нафарга яқини турли санаторий ва дам олиш уйларида саломатлигини тиклайди. Ердан сўраб қилинган мурожаатлар эътиборсиз қолмайди. Масалан, ишчилар Умид Хайитов, Мухлиса Жўраева касаб-ушмасидан олиб келинган мурожаатлар эътиборсиз қолмайди. Масалан, ишчилар Умид Хайитов, Мухлиса Жўраева касаб-ушмасидан олиб келинган мурожаатлар эътиборсиз қолмайди...

Мавжланиб оқаётган дарё

Абдуҳамид ака билан суҳбатимиз кутилмаган мавзудан бошланди. — Кўчада мева сотиб кун қўрган, нимжон, ўз кучига ишонмаган бир бола йирик компания раҳбари лавозимига кўтарилгани ва пировардида Корея Республикасининг Президенти эътиб сайлангани ҳақидаги Ли Мён Бакнинг «Мўъжиза содир бўлмади» деган қиссаси менда катта таассурот уйғотган, — дейди у. — Муаллиф айтганидек: «Бу китоб мураккаб давримизда ўз йўлини топишда ёшларга қўмақдош бўлишига, оғир беҳаловат ҳаётдан изтироб чекаётганлар қалбида умид учқунини порлашига ва уларнинг ўз ҳаёт йўлидан муваффақият ва бахт сари янги куч-қувват билан дадил олга интилишига ёрдам беришига астойдил ишонман».

Демоқчиманки, яшайсанми, билки, сени ҳар томонлама қузатиб турганлар бор. Иш-лаясанми, меҳнатингдан одамлар завқ олсин. Ҳавас билан қарасин... — Абдуҳамид ака, сиз ҳам қарийб 25 йилдан буён Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаб-ушмаси Сурхондарё вилоят кенгаши раисисиз. Барчани ҳайратда қолдириб ишляясиз. «Бекат»ларингиз обод. Бу йилги ишларингиздан кўнглингиз тўлдими? — Абдуҳамид акага мактовим ёқмади, шекли, ҳеч нарса демая узоқларга тикилди. Лекин саволни жавобсиз қолдирмади. — Кенгашимиз тасарруфида 13 та туман, 1 та шаҳар касаб-ушма ташкилотлари, 121 та бошланғич ташкилот, 12304 нафар аъзоимиз бор, — дея гап бошлади у. — Касаб-ушмалари фаолиятининг устувор йўналишларини ҳаётга таъбиқ этиб, аъзоларимизнинг ихтимойи ҳимоясини таъминлаш, маданий ва спорт тadbирларини ўтказиш, меҳнат муҳофазаси ва уларни моддий қўллаб-қувватлашга асосий эътиборни қаратяпмиз. Жумладан, Жарқўрғондаги «Сурхонтекстил» хиссадорлик жамияти, Қумқўрғондаги «Олтин чигит» Ўзбекистон-Греция қўшма корхонаси, «Шербод туз» хиссадорлик жамияти сингари корхоналаримизда илши-ходимларга уч маҳал иссиқ овқат, тиббий, маънавий хизмат соҳобчалари ташкил этилган. Барча хизматлар бепул. Ходимлар йилда бир марта жамоа шартномасига асосан корхона ҳисобидан бепул тиббий куридан ўтказилади. Кенгаш Қизилқум туманидаги Шредер номли боғдорчилик хўжалигида Истиклолимизнинг 20 йиллигига атаб 2 гектар ерда «Касаб-ушма боғи»ни ташкил этди. Ҳар байрамда озолаб кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, яққалғиз қарилар, ногиронлар ҳолидан хабар оламиз. Бундан ташқари, Термиз шаҳридаги «Н» қисмида хизмат қилаётган аскарлар, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларига ҳам совға-саломлар улашяпмиз. Мисол учун, Қурбон ҳайити муносабати билан 3 млн. сўмлик совғалар топширдик. Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан ҳам қўллаб қондорларга озиқ-овқат маҳсулотлари ҳада қилишни режалаштирганмиз. Ҳар йили ўнлаб илши-ходимлар сихатгоҳларга, ёзги мавсумда эса 250-300 нафар бола оромгоҳларга имтиёзли йўлланмалар билан таъминланмоқда. — Бу уятлар сирини нимада? — Сирини — ишда, ҳалол меҳнатда... Лекин сиз ўйлагандай ишларимиз силлиқ эмас. Бу йил Енгил саноат ва коммунал соҳа ҳамда бизнинг савдо ва тadbиркорлар касаб-ушмалари бирлаштирилди. Илгари коммунал соҳада бўлган Қўмқўрғон ва Ангор туманлари ободонлаштириш бўлимларидаги бошланғич ташкилотларни Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаб-ушмаси вилоят кенгаши аъзо қилиб олган. Бу борада ҳозир иш олиб бориляпти. Бу гапни эшитиб бир воқеа эсимга тушди. ... Ака йиллар аввал вилоят савдо ушмаси деган нуфузли идорага савдо идоралари раҳбарларини мажлисга қачиряшди. Ким келмаса, ишдан бўшатилади. Йўқлама қилинсаки, тармоқ касаб-ушмаси вилоят кенгаши раиси Абдуҳамид Қўзимуродов йўқ. Узун, Бойсун сингари олис туманлардан савдо ходимлари етиб келса-ю, Абдуҳамид-войинг «св босса, тўпигига келмайди».

Тажрибали мутахассис

Узоқ йиллар автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишлаган Пазилжон ака катта ўғли Ҳамидуллани ўқимишли бўлишини орзу қилди. Шу боис фарзандининг мактабдаги ўқиши билан доимо қизиқди. Тиришқоқ ўғил эса аъло баҳолар билан отасини хурсанд этарди.



Бугун Ҳамидулла Матисаев таълим, фан ва маданият ходимлари касаб-ушмаси вилоят кенгашида меҳнат қилмоқда. У касаб-ушмалари тизими бўйича қўллаб-қувватловчи бўлиб ишлайди. Биргина 2010 йилда бошланғич касаб-ушма ташкилотларига амалий ёрдам сифатида «Ижтимоий сугурта комиссияси», «Жамоа шартномалари бўйича ҳисобот шакллари тўлдираришга оид тавсиялар», «Меҳнат муҳофазаси бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами», «Меҳнат низолати комиссияси», «Корхона, ташкилот ва муассалада касаб-ушма ташкилотларини тузиш бўйича услубий тавсиялар», «Бошланғич касаб-ушма кўмитаси раислари учун услубий қўлланма» сингари қатор буюк, плакат ва кўргазма қуролларни нашр эттирди. Тажрибали мутахассис Ҳамидулла акадан биз, шогирдлари ҳар бир масалада маслаҳат олиб тураемиз. У кишининг соҳага оид берадиган батафсил тушунча ва йўналишлари фаолиятимизда доимо қўл келади.

Ҳамидулла 1984 йил Андижон шаҳридаги 40-мактабни олтин медал билан тавомлаб, Андижон давлат педагогика институтининг тарих факултетига ўқишга кирди. Ўқишни имтиёзли диплом билан битир-

Дикқат, аукцион савдоси!

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МҲЖ 2011 йил 30-декабр кунин соат 11:00 да кўчмас мулкларнинг бошқариш-бошқариш охири шаклидаги очик аукцион савдосини ўтказлади. Объект сотилмай қолган тақдирда 2012 йил 16-январ кунин соат 11:00да қайтадан савдога қўйилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур кўчаси 119-уйда ўтказилади. Очик аукцион савдосида қўйидаги объект савдога қўйилади: «Ипотeka банк» Фаргона вилояти филиалига қарашли «Valley Mountain's Fresh» масъулияга чекланган жамияти маъмули Фаргона вилояти, Учқўрғон тумани, Х.Олимжон кўчаси 11-уй. Асосий фаолияти: Мева ва сазбавотлар концентратлари ишлаб чиқариш; Бошланғич баҳоси — 8 049 000 000 сўм. Объект қўйидаги шартлар бўйича савдога қўйилади. — Очик аукцион савдосини ўтказишнинг икки санаси белгиланади, яъни эълон берилган кундан кейин 30 кун ўтгач, агар объект сотилмай қолган тақдирда орадан 15 кун ўтгач қайтадан ўтказилади; — аукционда қатнашиш учун зақалат миқдори объект бошланғич нархининг 15% олдидан тўлов суммасининг 5% миқдориди; — кўчмас мулк қиймати учун тўлов шартини олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб 60-кун мобайнида 15% олдидан тўлов қолган 85% ни 9 ойли имтиёзли даврдан сўнг ҳар чоракда тенг улушлар билан 5 йил мобайнида; — бошқа шартлар; кўчмас мулк учун 15% олдидан тўлов амалга оширилгандан сўнг, тасарруф этиш учун эгаллик ҳуқуқи расмийлаштирилади; Ушбу очик аукцион савдосида иштирок этиш учун зақалат тўғрисидаги келишуени имзола-

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси кенгаши тавсияси билан «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти ходимлари республикамизнинг турли ҳудудларида «Матбуот кунлари»ни ўтказмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — тахририят ходимлари ва касаб ва уюшма ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш, муштарийлар талаб ва истакларини юзма-юз тинглаш, ўзаро фикр алмашишдан иборат.

# Муштарий билан юзма-юз

## Тошкент

Тошкент вилоят касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида «Ishonch» газетаси ижодкорларининг «Матбуот кунлари» доирасида касаб ва уюшма фаоллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Бирлашма ва тахририят масъул ходимларининг кириш сўзидан сўнг суҳбат янада кўр олиб, учрашув катнашчилари газета мазмунини бундан-да бойитиш борасидаги таклиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Бирлашма ва тахририят масъул ходимларининг кириш сўзидан сўнг суҳбат янада кўр олиб, учрашув катнашчилари газета мазмунини бундан-да бойитиш борасидаги таклиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Масаланинг ушбу жиҳати эътиборга олинса, ижтимоий шерикликнинг мазмун-моҳияти тўла очиб берилган бўларди.

**Н.РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири**

## Бухоро

ЎзКУФКнинг топшириғи билан газетани тарғиб-ташвиқ қилиш ҳамда жамоатчилик орасига кенг қулоқ ёзиб кириб бориши мақсадида Бухоро вилоят касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Матбуот кунлари» доирасида турли тadbирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилмоқда.



Шундан сўнг газетанинг миллий-маънавий кадрлар ва спорт бўлими муҳаррири Амина Қодирова, вилоят бўйича ўз мухбири Иззатулла Ҳожиёв сузга чиқиб, матбуот халқ билан жамият ўртасидаги маънавий кўприги эканлиги, тизимдаги ўзгаришлар, ривожланиш борасидаги эзгу ишларнинг мазмун-моҳияти матбуот кўзгуси орқали одамлар тасаввурига кириб бориши, бу борада тинимсиз изланаётган тахририят ижодкорлари ҳақида сузлаб берди.

Шундан сўнг қизгин мулоқот жараёни бошланди. Ташриф баҳона коллеж ўқитувчилари билан дилдан суҳбатлашди, уларнинг эзгуликка тўла дунёсига назар ташлаш имконияти туғилди. Уларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

— Тадбирда пахта йигим-теримида фаол иштирок этган хашарчи-ўқитувчиларга Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси кенгашининг Фахрий ёриқлари ҳамда жамоат ишларида фаол, ташаббускор ёш ўқитувчиларга Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб ва уюшмаси вилоят кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз**

## Жиззах

«Жиззахэлектртармоқлари» ОАЖда вилоят ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаб ва уюшма фаоллари, тармоқ касаб ва уюшма кенгашлари ҳамда жамоатчилик вакиллари «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ижодкорлари билан юзма-юз мулоқоти бўлиб ўтди.

Анжумани вилоят касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими муҳри Собир Мамадазизов очар экан, вилоят касаб ва уюшма ташкилотларининг кундалик ҳаёти ва фаолиятида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг ўз ўрни борлигини таъкидлади.

Шундан сўнг «Ishonch» газетаси масъул котиби Жаҳонгир Шарофбоев тахририятнинг бугунги фаолияти, келгуси режалари ҳақида атрофлича сузлаб берди.

Жонли мулоқот тарзида ўтган анжуманда иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Илҳом Уринов, «Жиззахэлектртармоқлари» ОАЖ касаб ва уюшма кўмитаси раиси:**

— Газетанинг обун баҳоси қимматлиги қулоққа чалиниб қолади. Шу боис, уни телетайп услубида тўғридан-тўғри узатилиб, жойларда босиб ташкил этилса, муаммо барҳам топиши аниқ.

**Собир Мамадазизов, вилоят КУТЭК бўлими муҳри:**

— Газетада бошланғич касаб ва уюшма ташкилотлари фаолиятига кўпроқ ўрин берилётганидан мамнунмиз. Ходимларнинг иш ва дам олиш шароити, меҳнат муҳофазаси каби масалаларга янада кенгроқ жой ажратилса.

**Шарофиддин Бахриддинов, вилоят ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаб ва уюшмаси кенгаши раиси:**

— Бугунги текоҳ ахборот асрида одамларни ҳайратлантириш осон иш эмас. Назаримда, газета саҳифаларида танқидий-тахлилий чиқишлар камайиб кетди.

**Маърифат Ҳайдарова, «Жиззахэлектртармоқлари» ОАЖ муҳандиси:**

— Бугунги иш ҳақимиз тўлиғича пластик карточкалар орқали берилмапти. Очигини айтганда, аксарият савдо дўконларида турли баҳоналар билан пластик карточкага ҳеч нарса харид қилиб бўлмапти. Газета тегишли мутасаддилар ҳамроҳлигида рейдлар ташкил қилиб, камчилик ва нуқсонларни олиб чиқса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Шухратжон Абдурахимов, бошланғич касаб ва уюшма ташкилоти ходими:**

— «Ishonch» том маънода севимли нашримизга айланиб улгурди. Буни обунчилар сони ортиб бораётганидан билса ҳам бўлади. Таклифим — газета саҳифаларида насрий ижод намуналарига ҳам ўрин берилса...

Юзма-юз кечган мулоқотда муштарийларнинг саволларига газета ижодкорлари атрофлича жавоб беришди.

**Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири**

Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддаси**



Шундай учрашувлардан бири Андижон вилоятининг Балиқчи туманида ўтказилди. Тадбирда туман таълим, фан ва маданият ходимлари касаб ва уюшмаси бирлашган кўмитаси, соғлиқни сақлаш ходимлари ва агросаноат мажмуи ходимлари, бошланғич ташкилот етакчилари, касаб ва уюшма фаоллари, ўқитувчи ва талабалар иштирок этишди.

Учрашуви тахририят бош муҳаррири Абдулоқиб Абдуразақов очди:

— Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Андижон халқи бунёдкорлиги ва меҳнатсеварлиги билан бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Бу гўша Ўзбекистоннинг энг хушманзара ва обод манзилга айланишига шубҳа йўқ. Албатта, бу ютуқларга осонликча эришилмаган. Бунинг замирида қанчадан-қанча машаққатли меҳнат, жасорат ва оқилона сиёсат ётибди. Юртбошимизнинг яқинда чоп этилган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш осонасида» китобида ушбу машаққатли йўл батафсил ёритиб берилган. Ҳа шундайларда танланган йўлимиз тўғрилиги бугунги тинч замонамизда гувоҳ бўлиб турибмиз. Озод ва обод юртимиз бундан кейин ҳам бунёдкорлик сари дадил қадам ташлайверади. Бунда мамлакатимизда энг нуфузли жамоат ташкилоти бўлган касаб ва уюшмаларининг муносиб ўрни ва

роли бўлади, албатта.

Шунингдек, бош муҳаррир тахририят жамоасининг бугунги фаолияти, обун жараёнлари ва касаб ва уюшма тизими вакиллари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақида тўхталиб ўтди.

Очик мулоқот тарзида ўтган тадбирда йиғилганлар фикр-мулоҳаза ва таклифларга бой бўлди.

**Абдурахим Шукров, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб ва уюшмаси туман бирлашган кўмитаси раиси:**

— «Ishonch» газетаси йилдан-йилга кизиқарли, мазмундор, энг муҳими, ўз қиёфасига эга нашрга айланиб бормоқда. Бунинг учун изланувчан жамоага миннатдорлик билдирамиз. Аммо биз, муштарийлар учун газетанинг обун нархи муҳим аҳамиятга эга. Иложи бўлса, тахририят обун нархини имкон даражасида арзонлаштиришга ҳаракат қилса, яхши бўларди.

**Александр Пашков, Агросаноат мажмуи ходимлари касаб ва уюшмаси туман кенгаши раиси:**

— Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб ва уюшмаси туман кенгаши биносига каттақон кулф осилган, эшикка эса раиснинг уяли телефони рақами ёзилган экан. У кишига кўнграқ қилиб, ўзимизни таништирдик. Раис ўйлаиб турган, Термизга кетаётганини айтиб, қанча вақт туманда бўлишимизни сўради. Бирров учрашимиз илтимос қилган захотимиз раис шундай деди:

— Тармоғимизда «Ishonch» ва

## Андижон

ба уюшмаси туман кенгаши раиси:

— Газетамизда фермерлар ва корхоналар фаолияти тез-тез ёритилса, тармоғимиз ходимлари учун фойдали бўларди. Шунингдек, жамоа шартномалари бўйича тавсиялар йил охирида эълон қилинишини истардик. Ҳозирда жамоа шартномалари бўйича тавсиялар газетамизда феврал ойида берилмоқда. Бу вақтга ҳужжатни қабул қилиб бўлаемиз. Унга яна ўзгаришлар киритишимизга тўғри келапти.

**Маҳмуджон Қўлдошев, Чинобод шифохонаси бошланғич касаб ва уюшма кўмитаси раиси:**

— «Ishonch»нинг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб борамиз. Ҳуқуқий мавзудаги чиқишлар, савол-жавоблар биз учун жуда асослимоқда. Касаб ва уюшма раиси ҳақ-ҳуқуқини яхши билса, жамоада қонунбузилишга йўл қўйилмайди. Газета ҳуқуқий саводхонлик мактабига айланиши қувонarliдир.

Аммо кейинги пайтда газета саҳифаларида шезрийатга қамроқ ўрин ажратилаётгандек. Бадий ижод намуналари тез-тез эълон қилиб борилса, маънавий оламишни бойитишга катта ҳисса қўшилган бўларди.

**Абдулхай ЮСУОВ, «Ishonch» мухбири**

## Самарқанд

Самарқанд туманидаги «Оҳалик-Ломани-парранда» Ўзбекистон-Германия қўша корхонасида «Матбуот кунлари» доирасида тадбирлар бўлиб ўтди. Унда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ижодий жамоаси вакиллари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаб ва уюшмаси вилоят ҳамда туман кенгашлари фаоллари, корхона ишчи-хизматчилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этиди.

Корхона бошланғич касаб ва уюшма ташкилоти раиси Мўмин Маждидов тадбирни очиб, тахририят ва корхона жамоаси ўртасидаги алоқа анчадан бундан давом этиб келаётганини таъкидлади. Корхонанинг барча цех ва бригадаларида ушбу нашрга ҳар йили обун бўлиниб, севиб ўқулаётганини, бу йил ҳам ишчи-хизматчилар биринчилардан бўлиб касаб ва уюшма нашрларига ёзилганини ҳам қайд этиб ўтди.

— Ҳар бир шахс ҳақ-ҳуқуқини қўрроқ ағлашга интилади. Бу борада оммавий ахборот воситалари, хусусан, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бизга яқиндан кўмак бермоқда, — деди М. Маждидов. — Айниқса, меҳнат муносабатларини оидинлаштиришда, ишчи-ҳодимлар ҳимоясини ташкиллаштиришда муҳим қўлланма бўлапти.

Анжуманда Агросаноат мажмуи ходимлари касаб ва уюшмаси вилоят кенгаши раиси ўринбосари, ташкилий, маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими муҳри Садриддин Аслидинов, туман кенгаши раиси Додар Бердиқулова, корхона ишчи-ҳодимларидан Нурмухаммад Насимов, Умид Алижонов ушбу нашрларнинг ҳаётимизда тулган ўрни хусусида фикр билдиришди.

Шундан сўнг «Ishonch» газетаси масъул котиби Жаҳонгир Шарофбоев ижодий жамоанинг келгусидаги режалари хусусида батафсил гапириб берди.

— «Ishonch» газетасини муттасил ўқиб борамиз, — дейди корхона ходими Наталья Зарипова. — Бизга, айниқса, ҳуқуқий мавзудаги маслаҳатлар жуда манзур.

Журналистлар ва корхона ишчилари ўртасидаги эркин ижодий мулоқот таассуротларга бой бўлди.

**Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири**

# Газета, ташкилотчи ва обун

Одамларни юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеалардан хабардор этишда, ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат, қадратларга ҳурмат уйғотишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқийс. Бу борада Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерациясининг нашри бўлиши «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг ҳам ўз ўрни бор.

Хусусан, газеталар саҳифаларида Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий ҳаёти ҳақида сўзловчи лавҳа ва мақолалар кенг ўрин эгалламоқда. Лекин нимагадир қарс икки кўлдан чиқмапти. Касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидидаги 8 та вилоят тармоқ кенгаши 2400 дан ортиқ бошланғич ташкилотларни бирлаштирган. Шундан келиб чиқиб, 2012 йил учун вилоят касаб ва уюшма фаоллари 2100 та идоравий обун уюштириши белгиланган. Бирлашма томонидан 2011 йил 20 ноябр ҳолатига қадар, вилоятда 972 та «Ishonch» газетасига, 184 та

Кизирик туманида бўлиб ўтган хангомадан кейин бунинг сабабини англагандек бўлди. Маълумки, Кизирик, наинки Сурхондарёда, мамлакатимизда ҳам ҳар жабҳада салоҳиятли туманлардан. Кизирикликларнинг ижтимоий ҳаётдаги ибрат олса арзигулик ишларини газетамизда кўп ёритганмиз. Яна ёзсак, арзийди, деган ниёт билан 29 ноябр куни эрталабдан йўлга тушдик.

— Газеталарнинг янги сонлари

«Ishonch-Доверие» газеталарига 1 тадан обун бўлди. Бошланғич ташкилотларимизда ҳам, ҳўжалик хисобидан ҳам бошқа обун бўлишмаган. Сизларга бошқа гапим йўқ.

— Билмайман.

**Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири**

Бош қомус ва касаба уюшмалари

(Давоми. Боши 1-бетда) Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йилнинг 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номида маърузасидан келиб чиқиб, Конституциямизнинг 78-, 80-, 93-, 96- ва 98-моддаларига ўзгаришлар киритилди.

ба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга» эканликлари, сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи ҳуқуқдорларнинг ҳимоялаш юзасидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

йилнинг 10 ойи давомида касаба уюшма аъзоларидан жами 185 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 117 тасини оғзаки ва 68 тасини ёзма мурожаатлар ташкил қилади. Аризаларни ўрганиш натижасида аниқланган қонунбузилишлари юзасидан жами ўттиз уч миллион тўққиз юз эллик минг сўм миқдорда пул маблағлари ундириб берилди. Ушбу пул маблағлари асосан ходимларнинг ишдан бўшаётган вақтлари ва компенсация тўловлари, мажбурий прогул кунлари учун иш хақи тўловлари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, ноқонуний интизомий жавобгарлик чораси қўлланилганлиги натижасида ушлаб қолинган рағбатлантириш ва бошқа тўловлардан иборат.

Юқоридеги кўрсаткичларнинг барчаси Конституциямиз касаба уюшмаларига яратиб берган ҳуқуқ ва имкониятдан самарали фойдаланиш натижасидир.

И.ТОШОВ, Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими муdiri

Матбуот анжумани

Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашнинг муҳим шаклидан бири, бу фуқароларнинг меҳнат миграциясини таъминлашдир. Республика фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш механизмни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда Ўзбекистон фуқароларининг чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий Бюроларнинг низомлари тасдиқланган.

Одам савдоси — қуллик балоси

Шу билан бир қаторда республикамизда ноқонуний миграция ва одам савдосининг олдини олиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидандир. 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашни тўғрисида» ги Қонуни бу муаммони бартараф этишнинг асосий тамойиллари ва йўналишларини белгилаб берди. Одам савдосидан азият чеккан жафоканлар, уларнинг яқинлари ва бевосита одам савдоси белгиларининг шохиди бўлган фуқароларнинг мурожаатларини тезкор ҳал этиш мақсадида вазирлик, ҳудудий бошқармалар, туман ва шаҳарларда «Ишонч» телефонлари ташкил этилди. Бу борада 8 та вазирлик ва идоралар томонидан ҳамкорлик қилиш бўйича аниқ режали тадбирлар ишлаб чиқилди. Тушунтириш ишларини жонлантириш мақсадида, 100 дан ортиқ семинар ва конференциялар ўтказилди. Телевидениеда 121 та махсус кўрсатув уюштирилди, 50 дан зиёд мақола чоп этилди. 5000 дан ортиқ (хорижга ишлагани чиқувчилар учун) тавсиялар, йўриқномалар тайёрланди, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Ўзбекистон темир йўллари» компаниялари линиялари бўйича бепул тарқатилди. «Одам савдоси — қуллик балоси» мазмундаги буклет ва плакатлар 10.000 дан зиёд нусхада чоп этилиб, республиканинг барча туман ва шаҳарларидаги тизим ташкилотлари орқали фуқароларга тарқатилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Жиноят ва жазо

Юртимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар тўғрйли халқимиз турмуш фаройитлиги юксалмоқда. Шунга қарамай нафс қутқусига учиб жиноятга қўл ураётганлар ҳам учраб туради.

Оғуфурушлар

Харом лўқмага муқассадан кетган фуқаро Самад Басиров (исмлар ўзгаририлган) қўшни давлатдан гиёҳвандлик воситаларини ўтказиб, катта даромадга эга бўлишни кўзлади. Шу мақсадда 2010 йилнинг февралда Тошкент шаҳри Чилонзор туман «Оқ-тепа» даҳасидаги чойхонада таниши Сотволди Ихтиёров ҳамда Жўра Қўзиёв билан кўп миқдордаги «героин» гиёҳвандлик воситасини Тошкент шаҳрига олиб келиб, улар орқали сотишга келишиб олди. С.Басиров 2010 йил 15 феврал кўни Тошкент шаҳридаги «Кўйлик» деҳқон бозори худудида бир шах билан танишиб, иккаласи Тожикистондан 750 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини 4000 АҚШ доллари эвазига Сурхондарё вилояти Денос туманидаги ўтказиб бериш, Денос туманидаги автомашиналар бозорига учрашиб, «героин» гиёҳвандлик воситаси олди-сотдосини амалга ошириш ҳақида тил бириктириди. Шундан сўнг С.Басиров ўша кимса билан келишган жойда учрашиб, тахминан 750 грамм «героин» гиёҳвандлик воситаси жойлаштирилган полиэтилен пакетли ўрамини 7500000 сўмга сотиб олди. «Героин»ни «Сурхондарё — Тошкент» йўналиши бўйича катновчи йўловчи автомашинада Тошкент шаҳрига олиб келиб, ўзи вақтинча истикомат қилиб келаётган Ҳамза тумани «Авиасозлар» даҳаси худудидаги қурилиш майдонига яшириб қўйди. Сўнг Жўра Қўзиёвга қўнироқ қилиб, «героин»ни Тошкент шаҳрига олиб келганини айтиди. Учрашган, олиб келган «героин»нинг бир қисмини синов учун берди. Иш силлиқ кўчаётганидан мамнун С.Басиров 2010 йилнинг 25 февралда Ж.Қўзиёвга қўнироқ қилиб, олди-сотдини шу кўни амалга оширишни айтиди. Кейин С.Ихтиёров билан учрашиб, унга бир неча кун олдин Сурхондарёдан 750 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, Тошкент шаҳрига олиб келганини ва уни қимматроқ нархда Ж.Қўзиёвга ўтказмоқчи эканини айтиди. Хуллас, С.Басиров жиноий шериги С.Ихтиёров билан келишиб, «героин»ни Ж.Қўзиёвга кўрсатди. Шу кўни соат 19:30 ларда «Авиасозлар» бозорининг кирали дарвозаси ёнида Ж.Қўзиёвнинг «харидор»лари билан учрашиб учун келди. «Қилмиш-қидирмиш» деганларидек, 2010 йил 25 феврал кўни Ж.Қўзиёвнинг аризасига асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан Тошкент шаҳри Ҳамза туман худудида ўтказилган тезкор тадбирда «Авиасозлар» бозорига кириш дарвозаси ёнида С.Басиров жиноят устида қўлга олинди. Унинг жиноий шериги С.Ихтиёров воқеа жойидан қочди. Аммо амалга оширилган тезкор чора-тадбирлар натижасида жойлаштирилган полиэтилен пакетли ўрамини 7500000 сўмга сотиб олди. «Героин»ни «Сурхондарё — Тошкент» йўналиши бўйича катновчи йўловчи автомашинада Тошкент шаҳрига олиб келиб, ўзи вақтинча истикомат қилиб келаётган Ҳамза тумани «Авиасозлар» даҳаси худудидаги қурилиш майдонига яшириб қўйди. Сўнг Жўра Қўзиёвга қўнироқ қилиб, «героин»ни Тошкент шаҳрига олиб келганини айтиди. Учрашган, олиб келган «героин»нинг бир қисмини синов учун берди. Иш силлиқ кўчаётганидан мамнун С.Басиров 2010 йилнинг 25 февралда Ж.Қўзиёвга қўнироқ қилиб, олди-сотдини шу кўни амалга оширишни айтиди. Кейин С.Ихтиёров билан учрашиб, унга бир неча кун олдин Сурхондарёдан 750 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, Тошкент шаҳрига олиб келганини ва уни қимматроқ нархда Ж.Қўзиёвга ўтказмоқчи эканини айтиди. Хуллас, С.Басиров жиноий шериги С.Ихтиёров билан келишиб, «героин»ни Ж.Қўзиёвга кўрсатди. Шу кўни соат 19:30 ларда «Авиасозлар» бозорининг кирали дарвозаси ёнида Ж.Қўзиёвнинг «харидор»лари билан учрашиб учун келди.

Я.ЭРАТОВ, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

«Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ «Ўзбекинеаст» ЭИМСК бошқарувининг 2011 йил 27 июлдаги 112-сонли буйруғига асосан «Ўзбекинеаст» ЭИМСК Сурхондарё вилоят филиалига тегишли, Термиз шаҳар, Р.Тағор кўчасида сақланган кўйидаги автотранспорт воситаси кўйилмоқда.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига тақрибан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «Ўзбекинеаст-хольдинг» Хольдинг компаниясининг 15.09.2011 йилдаги 87-сонли буйруғига асосан, компанияга тегишли Тошкент шаҳар Абай кўчаси, 6-уй манзилида сақланган «ГАЗ-31105-581» русумли, д/р 10 В1 458 булган 2008 йилда ишлатилган автотранспорт воситаси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 15 264 000 сўм.

Сўраган эдингиз

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темурнинг дунё тарихида тутган ўрни алоҳида. Соҳибқирон Бобомиз сиймоси ҳар бир юртодошимизда ватанпарварлик, миллий гурур туйғусини шакллантиришда, айниқса, Ёшларимизнинг улуг аждодларимизга муносиб ворис бўлиб камол топишида юксак аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида халқимиз қалбида буюк аждодимизга нисбатан фахр ҳиссини уйғотиш, унинг шон-шавкатга тўла ҳукмиронлик даври, улуг саркарда, оқил ва одил подшоҳ, улкан бунёдкор шахс сифатидаги фаолиятини ўрганиш ва тарғиб этиш борасида бемисл ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда ҳам бу йўналишда ишлар давом эттирилмоқда. Кейинги йилларда таниқли Ёзувчи Муҳаммад Алининг «Улуг салтанат» номи асари чоп этилди. Адибни «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати аъзоси сифатида ҳам биламиз. Унинг Амир Темур шахсини акс эттирган асарлари, ижоди ҳақида батафсил маълумот беришларингизни истардик.

Темуршуносликка қўшилган ҳисса

Тажрият таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Балиқчи туман бирлашган қўмитаси фаолларидан олинган ушбу илтимосномадан кейин «Сўраган эдингиз» рўқнининг мундарижасини кенгайтиришга қарор қилди ва икки тарихчи олимнинг унга жавоби газетхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Темуршуносликка қўшилган ҳисса

Ўзбек халқининг бебаҳо тарихи буюк сиймоларга бой. Унинг саҳифаларини арақлаганда, шубҳасиз, биринчи Соҳибқирон Амир Темур номига қўзимиз тушади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат муқофоти лауреати Муҳаммад Али ижодида Соҳибқирон бобомиз образи алоҳида ўрин тутди. Хусусан, Амир Темурга бағишланган асослар, илмий мақолалари, публицистик асарлари, шеърлари, «Гум-баздаги нур» достони, «Улугбек Мирзонинг сўнги кўни» пьесаси, «Сарбадорлар» роман дилогияси, ниҳоят «Улуг салтанат» тетралогияси (тўрт китобдан иборат асар)нинг уч китоби бунга ёрқин мисолдир. Муҳаммад Али Соҳибқиронни, аввало, инсон сифатида, сўнгра ҳукмдор, саркарда, дипломат, бунёдкор, илм-фан ҳомиysi, оила бошлиғи тимсолида кўрсатади.

Муҳаммад Али кейинги йилларда тарихий мавзуларда кўплай эсселар, мақолалар ёзди. Унинг «Ўз-ўзингни англаб ет», «Ҳақиқатдан чекинма, тарих!», «Амир Темур чамани», «Бунёдкорнинг толи» каби эсселарида, «Амир Темур сиймоси — тарихда ва адабиётда», «Оламни адлу эҳсон ила обод этиб...», «Одабийликнинг буюк тимсоли», «Халқ яратган даҳо», «Қутлуг хонадоннинг улуг соҳиб», «Соҳибқирон фарзандлари ҳақида бир неча сўз», «Темирий малликани» сингари мақолаларида ўтмишимиз ҳақида фикр юритилди. Адиб Амир Темур мавзуси қанчалик залворли эканлигини, уни тадқиқ этиш кишидан катта масъулият, чуқур билим ва салоҳият талаб қилишни теран ҳис қилади. У тарихий манбаларга асосланмай, ноаниқ, ёки ҳаспшубай ёзилган асарлар ҳақида: «Илмий тарих бундай ноаниқликларни кўтара олмайди. Модернизи, расмий тарих бирон-бир маълумот келтирмаган экан, илмий тарихда у ҳақда баҳо беришдан тийилиш керак, вассалом! Илмий тарихда фаразларга йўл бўлмастлиги лозим», дейди.

Муҳаммад Али ана шундай илмий ҳалолликка амал қилади. У Соҳибқирон ҳақида илмий тадқиқот, бадиий асар ёзиш учун, аввало, асосий манбаларга суянди. Соҳибқиронни кўрган тарихчилар — Фўёсиддин Алининг «Ҳиндийнинг газовоти қундалиғи», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», шунингдек, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи», испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихоннинг «Қундалиқларини» пухта ўрганган, қилсалаб текширган. Ёзувчининг тегишунос сифатида салоҳияти, айниқса, етти тобдан иборат «Амир Темур чамани» эссесинда яққол намоён бўлади. Эссесда Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ жуда кўп масалалар қаламга олинган.

Муаллиф асарда муҳим жиҳатга, яъни Амир Темур ҳақида ёзилган адабиётларга муносабат билдириди. Олти юз йиллардан буён Соҳибқирон ҳақида китоблар ёзилди, илмий тадқиқотлар яратилди. Хали-ҳануз бу ҳаракат тўхтамаган. Аксинча, улуг сиймага қизиқиш тобора кучаймоқда. АҚШда ижодий сафарда бўлганда муаллиф Вашингтон университетини кутубхонасида тадқиқот олиб боради ва инглиз драматурги Чарльз Саундерс қаламига мансуб 1681 йилда ёзилган, саҳнага қўйилган, ҳали бизга номаълум «Буюк Темур» трагедияси ҳамда Самуил Кларкиннинг «Буюк Темур ҳаёти» асари сингари китоблар фотонусхаларини олишга муваффақ бўлади. Олим кутубхонада Амир Темур ҳақида 68 нима асарлар борлигини аниқлайди. Улар ичиде илмий тадқиқотлар, драмалар, романлар, тарихий асарлар таржималари, опералар ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар борлиғига диққатни қаратади. Аммо баъзи асарлар биринчи ва ишончли манбаларга асосланмаганлиги оқибатида Соҳибқирон ва унинг аждодлари ҳақида тарихий ҳақиқатдан йироқ фикрлар ҳам учрашини қайд этади. Эссенинг 5-боби ҳамда «Буюк обиди» номида мақолада Амир Темурнинг «Тузуқлар» асари таҳлил қилинади. «Тузуқлар» Амир Темур шахсияти ва унинг даври, давлат тузилиши ва салтанат юритиш, ўша давр муҳити, умуман инсоний муносабатлар тўғрисида кенг тасаввур бера оладиган ноёб дурунда асардир. Муҳаммад Алининг фикрича, Соҳибқироннинг юксак ақл-заковати, тенгсиз истеъдоди ва даврлар синовидан ўтган ҳаётий тажрибалари «Тузуқлар»да олмос қирраларидек нуриланган туради. У улуг тарихий сиймолар ҳамда шундан эъланли қараш, нуктан назарлар марказида бўлганлигини қайд этади. Жумладан, Ибн Арабшоҳнинг «Темир тарихида тақдир ажойиботлари» китобида ҳақиқатга тўғри келмайдиган уйдирмалар борлиги, уларнинг қанчалар асосизлигини мақола ва рисолалариде теран илмий таҳлиллар восисоларида келтирилган.

Ш.БОЛТАЕВ, У.РАШИДОВ, тарих фанлари номзодлари



Хар йили баҳор ва куз фаслида Миллий санъат марказида Ўзбекистон маданияти ва санъати жамғармаси форуми, «Ijod» рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси ҳамкорлигида ўтказиладиган мазкур лойиҳа доирасида юртимизнинг барча ҳудудларидан анъанавий ва замонавий безакли-амалий санъат усталари ва ихлосмандлари жамулжам бўлишади.

2007 йилдан бери ўтказиладиган кўرғазма-ярмаркасида ота-боболари ишини давом эттириб келаётган усталар, хунармандлар, қолаверса, бу соҳада эндигина иш бошлаган ёш истеъоддорлар қатнашаётди. Ушбу кўрғазма-ярмарка анъанавий ва замонавий амалий санъат соҳасидаги ижодий салоҳиятини юзага чиқариш, ушбу соҳадаги янгилар билан кенг жамоатчилиكنи таништириш, ижодкор сулолалар ва истеъодли хунармандларни қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий меросимизни асраб-авайлашга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятли.

Шунингдек, лойиҳа Ўзбекистондаги миллий амалий санъатнинг бугунги кундаги аҳволини ўрганиш, унинг йўқолиб кетаяётган турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш имконини беради. Ана шундай нуфузли кўрғазма тахририятимиз ходими Комила Боймуродова ҳам ўзи тўқиган ажойиб кийим-кечаклар билан иштирок этиб, сертификат билан тақдирланди.

Бундай кўрғазмалар ижодкорни ҳар томонлама руҳлантириб, гузаллик яратишга ундайди. Кўрғазмада биринчи бор иштирок этишимга қарамай, меҳмонларнинг қўл меҳнатига ва табиий буюмларга бўлган

Ўзликни англаш «Миллий санъат маркази»-да «Bazar-Art. Куз — 2011» IX Ўзбекистон анъанавий ва замонавий безакли-амалий санъат кўрғазма-ярмаркаси ўз ниҳоясига етди.



# «Bazar art» миллий маданият тарғиботчиси

этибори катта эканлигини сездим. Буни келгусида албатта эътиборга оламан, — дейди Комила она.

«Bazar-Art»-да иштирок этиб, одамларнинг талабини ўргандим. Улар синтетикадан жуда безор бўлишган. Табиий ипак, жун ва пахтадан тикилган буюмларга қизиқиш тобора ортиб бораётганининг гувоҳи бўлдим, — дейди Бойсур миллий хунармандчилик марказида фаолият олиб боруши хунарманд Ҳанифа Салимова. — Қалбим янги нарсалар яратишга иштиёқман. Кўпчилик мен билан шартнома тузиб, гилам етказиб беришмини илтимос қилишаяпти. Демак, энди буш ўтиришга вақт бўлмайди. Хунармандчилик мени ёшартириб юборди, десам адашмайман. Шуниси маъқулки, меҳмонлар «Bazar-Art»

кўрғазма-ярмаркаси давомида моҳир усталар ва уларнинг ишлари билан танишибгина қолмай, ўзларига ёққан санъат асарларини сотиб олиш имконига ҳам эга бўлишди.

Кўрғазма якунида таникли санъат арбоблари ва кўзга кўринган уста-хунармандлардан иборат ҳакамлар ҳайъати «Анъанавий тўқимачилик устаси», «Анъанавий қандакорлик устаси», «Нақш ва миниатюра устаси», «Ёғоч ўймакорлиги устаси», «Зардулик санъати устаси», «Қўлоқчилик устаси», «Анъанавий каштачилик устаси», «Анъаналарни замонавий қиёфада сақлагани учун» номинациялари бўйича қўллар аниқланди. Қўллар диглом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Назира БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири. Муаллиф олган суратлар

# Орзулари бир олам эди

Фидойи кишилар жамиятини ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланишади. Улардаги жасорат, эътиқод ва эзгу мақсад сари интилиш атрофдагиларда ҳаётга умид ва ишонч уйғотади. Ибрат яловини баланд кўтарган бундай инсонлар бошқаларни ҳам бахт томон етаклайдилар. Ахир, яшаш матлаби, мазмун-мақсади қалбларга эзгулик уруғини сочиб, ўзидан яхши ном қолдириш эмасми?!

Ҳаёт ва ўлим бамисоли икки кўздек бир-бирига яқин экан. Ҳар тонгни олам-олам орзулар билан қарши олувчи тиниб-тинчимас, камтарин ва жонкуяр Файратжон Иргашев умрининг айна гуллаган даврида, 42 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Аммо кўпчилик наздида у кўзда учган юлдуз мисоли ўзидан ёрқин из қолдириб, биз билан доимо ёнма-ён, ҳамнафас яшаётгандек...

Харбий хизматдан қайтган Файратжон 1989 йилда илк фаолиятини Пахтачи туман автомобил йўллар бошқармасида муҳандис-иқтисодчиликдан бошлади. Бироз тажриба орттиргач, уни бош муҳандисликка ўтказишди. Тошкент политехника институтини татомлагандан сўнг тумандаги «Зиёвуддин толаси» акциядорлик жамиятининг пахтачи туман филиалини қуритиш ва тозалаш цехида муҳандис бўлиб ишлади.

Яхшилар ёди

Илгара чанқоқ Файратжон корхонада меҳнат қилиш билан бирга Тошкент молия институтини иккинчи мутахассислик бўйича сирдан ўқишни давом эттирди. Кўпчиликни ортдан эргаштира оладиган ташкилотчи инсон раҳбарлар эътиборига тушди. 2003 йилда уни туман ҳокимлигига ишга тақлиф қилишди. Икки йил масъулиятли вазифада ишлагач, «Самарқандгаз» худудий газ таъминот корхонасининг «Пахтачигаз» филиалига раҳбар этиб тайинланди. 2010 йилда у туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимида иш бошлади.

Кейинги йилларда туман қишлоқ ва гузарларида, Зиёвуддин шаҳарчасида кўркам замонавий бинолар барпо этилиб, худуд янада чирой очди. Давр талабига мос йўллар, йўл ва кўприкларни қуришда Файратжоннинг диди, қатъиятли тақлифлари алоҳида ўрин турарди. Кичик корхоналар, савдо ва маиший хизмат нуқталари, янгича кўринишда бўлиб этилган бинолар яна узоқ йиллар элга хизмат қилиб, фидойи раҳбар Ф.Иргашев ташаббускорлигини эслатиб туради.

Энди ширин хотираларига кўнгилга таскин бағишлайди. Унинг хайрли ишлари, эзгу фаилатлари кишилар ёдида

яшайди. Республика Матнавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Иззатулла Норқувонов Файратжон ҳақидаги хотираларини шундай ҳикоя қилади:

— Файратжон ниҳоятда камтарин ва билимдон инсон эди. У билан суҳбатлашганда, илм-фан, маънавиятга доир масалаларга қизиқиши кучли эканлиги сезилиб турарди. Янги китоблар, кунлик газета ва журналларни сўраб олиб, эринмай ўқиб чиқарди. Обуна мавсумининг қандай кечаётгани ва шунга алоқадор барча масалада қузатувчи бўлиб туришни истамас эди.

Туман «Пахтачи» газетаси бош муҳаррири Муродилла Шукуров:

— Файратжон Иргашевни «Пахтачигаз»-да раҳбарлик қилиш билан бир кунни дорихона ёнида учрашиб қолдик. Қўлидаги дори-дармонларни кўриб, шифохонада ётиб, жиддий даволаниш кераклигини айтдим. У эса: «Ака, шу мавсумни якунлайлик. Шаҳарча бош кўчасини яхлит тартибга солиб олайлик. Кейин...» деб қўлиб қўйди. Буни фидойиликдан бошқа нима деб аташ мумкин?

Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Пахтачи туман кенгаши раиси Бўрибой Тоиров:

— Пахта мавсумида ҳашарчиларга, биринчи бўлиб режани уудалаган фермерларга совға-салом топширишда ҳамкорлигини аямасди. Транспорт ажратилишини назорат қилиб турарди. «Ҳеч тортинмасдан келтиринг. Ахир, элга наф келтириш, фуқаролар манфаатларини химоя қилиш ҳар биримизнинг биринчи галдаги вазифамиз», дея барчани дадил ва ташаббускорлик билан иш юритишга ҳаққарарди. Ана шундай ватанпарварлиги билан кўпчилигини ишончига эришган, деб ўйлайман.

Келажакка ишониб яшаган ва унинг порлоқ бўлиши йўлида умрини фидо қилган инсон ҳаёти бардавомдир. У жисман борлиқни тарк этса-да, руҳан баркиваради. Орзулари бир олам Файрат Иргашев бошлаган эзгу ишлар унинг фарзандлари, маслақдошлари ва шогирдлари томонидан давом эттирилишига ишонамиз.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

## 8 декабр — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун

# Фахриимиз, ифтихоримиз

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 19 йиллиги муносабати билан Успенский номидаги Республика ихтисослашган академик лицейда тадбир ташкил этилди.

600 га яқин истеъодли ёшлар таълим олаётган даргоҳдан ҳар йили «Нихол» ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофотлари, республика ва халқаро танловлар қўлларни етиштиб чиқади. Лицейда ўқувчиларнинг билим олиши, мушқий қобилиятини ошириши учун барча шарт-шароит яратилган.

«...Миллий истиқлол гоёси куйидаги умминсоний туйғулурга таянади. Булар: қонун устуворлиги, бизнинг ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати, диний бағрикенглик...» Қўлоғимизга чалинган ушбу гаплар академик лицейнинг 3-босқич ўқувчилари томонидан тайёрланган «Азиз ва муқаддасан, мустақил Ватан» шiori остида ўтган очик дарсида янгради. «Ватан равнақи, тинчлик ва хотиржамлик миллий гоёнинг ажралмас қисми» мавзусидаги дарсни олий тоифали ўқитувчи Иван Железняк олиб борди.

— Билим ва салоҳиятимизни ошириш, истеъодимизни намоён қилиш учун юртимизда кенг имкониятлар яратилган, — деди лицейнинг фортепиано ижрочилиги йўналиши 3-босқич талабаси, Нихол мукофоти совриндори Тамара Акбарова. — Конституциямизнинг 18-моддасида ай-

тилганидек, мамлакатимизда барча фуқаролар тили, ирки, дини, миллатидан қатъи назар қонун олдида тенг бўлиб, бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эга.

Усиб келаятган авлодни Ватанга муҳаббат, Қомусимизда тарангун этилган тенглик ва бағрикенглик руҳида тарбиялашни мақсад қилган тадбирда «Мустақиллик — бебаҳо наъमत», «Қалбларни қалқитувчи тарона», «Қомусимиз — фахриимиз» мавзуларида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Нилуфар ХУДОЙБЕРДИЕВА, Шоҳсанам НИЁЗОВА, ЎЗДЖТУ талабалари

манидан тайёрланган «Азиз ва муқаддасан, мустақил Ватан» шiori остида ўтган очик дарсида янгради. «Ватан равнақи, тинчлик ва хотиржамлик миллий гоёнинг ажралмас қисми» мавзусидаги дарсни олий тоифали ўқитувчи Иван Железняк олиб борди.

— Билим ва салоҳиятимизни ошириш, истеъодимизни намоён қилиш учун юртимизда кенг имкониятлар яратилган, — деди лицейнинг фортепиано ижрочилиги йўналиши 3-босқич талабаси, Нихол мукофоти совриндори Тамара Акбарова. — Конституциямизнинг 18-моддасида ай-

тилганидек, мамлакатимизда барча фуқаролар тили, ирки, дини, миллатидан қатъи назар қонун олдида тенг бўлиб, бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эга.

Усиб келаятган авлодни Ватанга муҳаббат, Қомусимизда тарангун этилган тенглик ва бағрикенглик руҳида тарбиялашни мақсад қилган тадбирда «Мустақиллик — бебаҳо наъमत», «Қалбларни қалқитувчи тарона», «Қомусимиз — фахриимиз» мавзуларида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Нилуфар ХУДОЙБЕРДИЕВА, Шоҳсанам НИЁЗОВА, ЎЗДЖТУ талабалари

## Касаба уюшма спорти

# Ҳаракат — кўнгил ороми

Заҳматли ва шарафли касб эгалари бўлмиш ўқитувчилар орасида спортсеварлар кўп. Чунки ақлий меҳнатдан кейин киши кўнгли ҳордиққа эҳтиёж сезади. Рост-да, футбол майдонида ёки волейбол майдончасида бир соат копток ўйнасангиз, чарчоқ ўрнини руҳан энгиллик эғаллайди.

яккабоғлик педагоглар иккинчи поғонадан жой олишди.

Стул тенниси ҳам ҳаммабоп, ҳам оммабоп ўйинлардан. Уни ҳар ким ўйнаши, «кичик ракетка» гузаллигидан баҳраманд бўлиши мумкин. Қизгин баҳларда аёллар ўртасида Қарши туман жамоаси аъзоси Зулфия Йўлдошева голиб чиққан бўлса, эркаклар ўртасида мубораклик Собир Ражабовга тенг келадигани топилмади.

Ақл машқи ҳисобланмиш шахмат ва шашка баҳсларида касбилик Ихтиёр Чориев (шахмат), қаршилик Марзия Аликулова (шашка), китоблик Анвар Усмонов (шашка) ҳамда қаршилик Савринисо Жураевалар (шашка) ўз устунлиқларини намойиш этишди.

Арқон тортиш баҳсида қосонлик спортсеварлар биринчи, Нишон жамоаси иккинчи, Деҳқонобод полвонлари учинчи бўлишди.

Армрестлинг беллашуварларида Барчиной издошлари бўлмиш деҳқонободлик

Гавҳар Қаримова барчадан устун келган бўлса, қосонлик Гузал Эргашева ҳамда гузорлик Сайёра Раҳматуллаева кейинги ўринларни банд этишди.

— Мазкур мусобақа педагогларнинг энг совимили тадбирига айланиб қолган, — дейди биз билан суҳбатда таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Шерзод Юлдошев. — Баҳслар қанчалик кескин ўтгани билан бу ерда мағлублар йўқ. Деярли барча иштирокчиларга вилоят кенгашининг диплом ва совғалари топширилади. Ушбу тадбир туфайли халқ таълими муассасаларида спорт билан мунтазам шуғулланувчи ўқитувчилар кўпаяётганидан хурсандимиз.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

## «Обуна — 2012»

Халқ таълими соҳасида 50 йил ишладим. Шундан 30 йил Фижудон туман халқ таълими бўлими мактаблар инспектори, халқ таълими бўлими мудири ўринбосари вазифасида фаолият юрсатганим. Хизматларим муносиб тақдирланди. «Халқ таълими эълончиси» кўркак нишони соҳибман.

## Ташаккурнома

Ҳамиша газета ва журналларни ўқиб, таълим соҳасидаги янгилар, ижодкорлик ишларидан хабардор бўлиб бораман. «Халқ сўзи», «Ishonch», «Маърифат», «Ўзбекистон овози» севиб ўқийдиган газеталарим бўлиб, ҳар йили обуна бўламан. Пенсияда бўлишимга қарамастан, таълим тизими, касабга уюшмаси тадбирларида фаол иштирок этаман. Айниқса, таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмасининг меҳнат фахрийларига эътибори, ҳурмати бизни қувонтиради; байрамлар арафасида фахрийлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, улар кўнглини кўтаришдан чарчашмайди.

Кўни кеча таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Фижудон туман бирлашган қўмитаси мени яна бир хушхабар билан сийлади. Меҳнат фахрийларидан бир гуруҳини 2012 йил учун «Ishonch» газетасига обуна қилишбди, улар қаторида мен ҳам бор эканман. «Ishonch» саҳифасидаги чоп этиладиган мақолаларни кўнб билан ўқиб бораман. Касаба уюшмалари республикамизда олиб бораётган ислохотларни қўллаб-қувватлаб, меҳнатқашлар билан ҳамнафас бўлаётган жамоат ташкилотидир. Республика касабга уюшмалари Федерациясининг ўтган йилда боғлар ташкил этиш, бу йил тормоққа ҳужайинини ривожлантириш ҳақидаги республика ахлига Мурожаатини ўқиб жуда қувондим. Бу хайрли ишга биз нурунийлар ҳам ўз ҳиссамизни қўшаямиз.

Шу ўринда, тармоқ ходимлари касабга уюшмаси Фижудон туман бирлашган қўмитасига «Кечиз мионатдорчилигимни» изорҳ этаман. Шундай нуфузли ташкилотга аъзо бўлганидан кўнглим гурурга тўлади, ёшларга касабга уюшмалари билан мустақам ҳамкорлик ўрнатиб, ўз ҳуқуқларини тўла билишни, жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этишни айтишдан чарчашмайман.

Тўхта ХУЖАЕВ, меҳнат фахрийси. Фижудон тумани



Шу боисдан ҳам ҳар гал халқ таълими ходимлари ўртасида спорт тадбирлари уюштирилса, баҳслар қизгин ва муросасиз ўтади.

Қарши шаҳрида таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган спартакиада Бош Қомусимизнинг 19 йиллигига бағишланди.

Дастлаб икки гуруҳда саралаш мусобақасида ўтказилди. Биринчи гуруҳда Шаҳрисабз, Фузур, Китоб, Қосон, Миришкор, Яккабоғ ва Муборақ туман зейкорлари финал йўлланмалари учун кураш олиб борган бўлса, иккинчи гуруҳда Қарши шаҳри, Қасби, Деҳқонобод, Чироқчи, Нишон, Қамаш, Қарши туманлари жамоалари беллашди.

Аёллар ўртасида ўтган волейбол мусобақасида бош соврин Деҳқонобод туман жамоасига, иккинчи ўрин эса гузорликларга насиб этди. «Кичик баскетбол» ҳисобланмиш стритбол беллашуварларида Қарши шаҳар жамоаси хотин-қизлари биринчи,



oliy baxt

Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Esom RAJABOV, To'lg'in TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon +99897 465 05 68;
Buxoro +99893 653 50 81;
Jizzax +99872 360 00 10;
Navoiy +99893 725 46 40;
Namangan +99897 491 79 28;
Samarqand +99866 708 70 12;
Surxondaryo +99897 458 05 07;
Farg'ona +99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +99862 562 56 75;
Qashqadaryo +99897 414 30 78

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A. Qodirova

Navbatchi:

U. Ibodinov

Musahhib:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdullajilov

«Sharq» nashriyot-matbas aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi. Korxonani muassasasi: «Chopik Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soltuvda erkin narxda.

«Ishonch»ning olingan ma'lumotlarda nashr etiladigan gazeta nomi ko'rsatib berilgan. Muassislar fikri ta'hiriyat nuqtasi nazariyadan farg'atibdir.

h - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma ta'baq.

Bosishga topshirish vaqti - 23.30 Topshirildi - 00.25

Buyurtma 1 - 1211

12824 nusxada bosildi

1 2 3 4 5